

# SAIGA NEWS



*Сайғоқни асраш бўйича альянс бюллетени*

**Экология ва сайғоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда нашр қилинади**



© Евгений Полонский



– молиявий кўмагида  
нашр этилади

## МУНДАРИЖА

### Форум

**Вячеслав Гагарин, Алексей Вайсман, Мария Воронцова, Сергей Гашев и Владимир Кревер**  
Сайғоқни унутишга ҳали эрта

### Янгиликлар

**Карлин Самуэль** Сайғоқларнинг ялпи ўлимини ўрганаётган халқаро олимлар гуруҳидан сўнгги янгиликлар

**Алёна Кривошеева** Қозоғистонда сайғоқларни асраш масалаларини муҳокама қилиш бўйича семинар  
**Лиша Бирченеф** Фауна ва Флора Интернешнл “Олтин Дала” Табиатни муҳофаза қилиш ташаббусига қўшилди

**Александр Есипов** Ўзбекистонда “Сайгачий” заказниги қайта ташкил этилди

**Кривошеева Алёна** АҚТХ бошқариш самарасини ошириш ва браконьерликка қарши курашиш чораларини кучайтириш

**Путилин Александр** Устюртда сайғоқларнинг тўсиқларсиз кўчиши бўлади!

**Айгуль Айтбаева, Евгения Самтанова ва Рори МакКенн** “Фреска-2016” Россия миссияси бажарилди!!

**Наталья Шивалдова, Мухит Суттибаев, Айгуль Айтбаева, Буяна Чимеддорж** Сайғоқ куни Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Мўғулистоннинг олис бурчакларидаги инсонларни бирлаштирди

**Алёна Кривошеева, Наталья Шивалдова** Экологик лагерлар: болаларни табиат муҳофазаси ишига жалб қилишни кучайтириш

### Матбуотдан

Қозоғистонда сайғоқларни ноқонуний отиш учун 20та жиноий иш қўзғатилди  
Фарғонада, Ўзбекистон, сайғоқ шохлари ва терисининг йирик партияси олиб қўйилди  
Хитойда сайғоқ шохларининг катта партияси мусодара қилинди

### Мақолалар

**Буйана Чимеддорж ва бошқ.** Фарбий Мўғулистонда сайғоқлар тарқалиши ва кўчишига антропоген омиллар таъсири

**Штеффен Цутер, Альберт Салемгареев** Қозоғистонда 2016 й. сайғоқларни авиаҳисобга олиш натижалари

**Владимир Калмиков, Мария Воронцова** Баҳор ташвишлари – “Степной” заказниги

**Соня Данда и др.** Манфаатдор шахсларнинг “Сайгачий” заказнигига муносабатини баҳолаш

### Эълонлар

CMS томонидан молиялаштириладиган кичик грантлар дастурининг ва WCN томонидан молиялаштириладиган табиат муҳофазаси соҳасидаги ёш мутахассислар учун дастурнинг ғолиблари

### Сайғоқни асраш – ҳаётларининг иши

Владимир Калмиков, Россия

### Бизнинг йўқотишлар

Николай Ткачев.

Мария Карлштеттер

**Редакцион коллегия.** Буюк британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [консультант-муҳбир], Лондон Империял Коллежи ([e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk](mailto:e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk)); Қозоғистон: Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Зоология институти ([teriology@mail.ru](mailto:teriology@mail.ru)), А. Кривошеева, ҚБСА ([alyona.krivosheeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheeva@acbk.kz)); Хитой: Гуйхон Джан ([guihongzhang@foxmail.com](mailto:guihongzhang@foxmail.com)), Куйлонг таълим тренинг-маркази & проф. Чжиган Цзян ([zhigangjiang@vip.sina.com](mailto:zhigangjiang@vip.sina.com)), ХХР ФА Зоология институти; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен ([lkhagvazeer@gmail.com](mailto:lkhagvazeer@gmail.com)) ва Б. Чимеддорж ([chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)), WWF-Мўғулистон; Россия: А. Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти ([saigak@hotmail.com](mailto:saigak@hotmail.com)) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ([saiga-center@mail.ru](mailto:saiga-center@mail.ru)); Ўзбекистон: Е. Бикова [масъул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)), А. Ганиева дизайни ([Alfiya\\_71@mail.ru](mailto:Alfiya_71@mail.ru)).

Сизни олти тилнинг исталганида материал юборишга таклиф этамиз. Илтимос, уларни [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz) манзилга ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилларидаги муаллифлар учун қоидаларни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com) да топиш ёки расмий талабга кўра муҳаррирдан олиш мумкин. Агар Сизда саволлар туғилса, марҳамат, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири билан ёки масъул муҳаррир - Елена Бикова билан боғланинг ([esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)).

Бу нашрни [www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com), <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да онлайн ёки расмий талабга кўра нашр этилган нусхасини редакторлардан инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида олиш мумкин.

## ФОРУМ

**Таҳририятдан:** Аввал SN-20да маълум қилганимиздек, сайғоқни Россия Федерациясининг Қизил китобига киритиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бундай қарор жамиятда ҳар хил қабул қилинди. Масала Ноёб ва йўқолиш хавфи остида турган ҳайвонлар, ўсимликлар ва қўзиқоринлар бўйича Комиссия Бюросининг йиғилишларида муҳокама қилинди, шу Комиссия ҳузуридаги Сутэмизувчилар бўйича экспертлар секциясининг йиғилишида Қизил китобга фақат Шимоли-Ғарбий Каспий олди ҳудудида яшайдиган сайғоқлар популяциясини киритиш таклифи берилди. Бироқ кўпчилик овоз билан экспертлар Россия Федерациясининг Қизил китобига сайғоқни Россия ҳудудида яшайдиган тур сифатида киритишни тавсия этди. Якуний қарор қабул қилинишидан олдин [regulation.gov.ru](http://regulation.gov.ru) сайтида кенг жамоа муҳокамаси бўлади. Бугун биз Вячеслав Гагариннинг шу мавзуга бағишланган мақоласини, шунингдек Россия мутахассисларининг бу “ўзига хос фикр”га жавобларини чоп этяпмиз.

### Сайғоқни унутишга ҳали эрта

**Вячеслав Гагарин**

**Тутқунликда ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш бўйича мустақил эксперт, [lab\\_z@mail.ru](mailto:lab_z@mail.ru)**

Айрим мутахассисларнинг оптимистик баҳоларига кўра, Шимоли-Ғарбий Каспий олди сайғоқлар популяциясининг сони турғун сақланмоқда; бошқа, тажрибаси кам бўлмаган мутахассисларнинг пессимистик баҳоларига кўра у тўхтовсиз камаймоқда. Бир нарсада экспертлар фикри бир хил - сайғоқлар сони кўпаймаяпти, ва яқин орада кўпаймайди. Сайғоқни Қизил китобга киритиш ёки киритмаслик масаласига нисбатан менинг фикрим шундай: сайғоқни Қизил китобга киритиш – бу уни нафақат ов ресурси сифатида, балки тур сифатида ҳам йўқотишнинг аниқ усулидир. РФ Қизил китоби ўзидан нимани ифодалаши ҳеч ким учун сир эмас. Амалда – бу кам ва қисқараётган сонли турлар учун хосписдир. Унга бирон бир тур киритилиши билан, шу турдан умидни узиш мумкин. Ўзингизга савол беринг Қизил китобга қачонлардир киритилган турларнинг умумий сонидан қанчаси ўз сонини турғун кўпайтира бошлади? Нечта тур Қизил китобдан тикланган сифатида чиқариб ташланган?

Бу саволларга жавобни барча билади. Россияда Қизил китобга киритилган турлар муҳофазасини молиялаштириш,

ов ресурслари муҳофазасини молиялаштиришга нисбатан анча паст, кўпинча эса умуман мавжуд эмас. Бундан ташқари, мамлакатда Қизил китоб турларининг сонини тиклаш ва муҳофаза қилиш учун масъуллар йўқ. Ҳар ҳолда, агар бундай тузилма Табиат вазирлигида мавжуд бўлса ҳам, унинг фаолияти натижалари ҳақида кенг оммага ҳеч нарса маълум эмас.

Сайғоқни Қизил китобга киритиш учун ким кўпроқ гапирмоқда? Энг аввало, булар, сайғоқнинг Қизил китобга киритилиши унинг муҳофазаси ва тикланиш ҳолатига аниқ салбий таъсир кўрсатишини тушуниб турган бўлсада, шунга қарамасдан бу фикрни фаол маъқуллаётган WWF ва IFAW каби табиатни муҳофаза қилувчи турли фондлар.

Яна, ов ҳайвонларининг популяцияларини самарали ва оқилона бошқариш бўйича ўзларининг тўғридан-тўғри вазифаларини уйдлашга қодир бўлмаган, табиатни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар хил амалдорлари сайғоқни Қизил китобда кўряптилар. Сайғоқнинг Қизил китобга киритилиши уларга жуда қулай – “Барча кўлимиздан келганини қилдик”, - деб, улар четга чиқиб кетадилар.

### Форум (давоми)

2013 йилда 150-ФЗ-сонли қонун қабул қилинган. Унинг ривожланишида РФ Қизил китобига киритилган ва (ёки) халқаро шартномалар билан муҳофаза қилинадиган турларга мансуб бўлган ўта қимматли ёввойи ҳайвонлар ва сув биологик ресурслари рўйхати тасдиқланган эди. Бу рўйхатга сайғоқ ҳам киритилган. РФ Жиноий кодекси энди янги моддалар билан тўлдирилган: 258.1 м. “РФ Қизил китобига киритилган ва (ёки) РФ халқаро шартномалари билан муҳофаза қилинадиган турларга мансуб бўлган ўта қимматли ёввойи ҳайвонлар ва сув биологик ресурсларини ноқонуний овлаш ва муомалага чиқариш” ва 226.1 м. “... ёки ўта қимматли ёввойи ҳайвонлар ва сув биологик ресурслари контрабандаси”. Сайғоқ ов ресурсларига кирмаса ҳам ва РФ Қизил китобига киритилган бўлмаса ҳам, у СИТЕС томонидан муҳофаза қилинади, демак у қизил китобдагилар билан барабар қонун билан ҳимоя қилинади.

Бундан чиқди, сайғоқни қизил китоб хосписига жўнатишга ҳали эрта – унга ҳали интенсив терапия кўрсатилган!

Сайғоқ сонини барқарорлаштириш ва тиклаш учун қандай зарур чоралар кўрилиши кераклигини овшунос-мутахассислар яхши билади. Энг аввало, сайғоқни асраш ҳозирда тўлиқ, уларнинг ҳудудида сайғоқ яшайдиган РФ субъектлари, ва, биринчи навбатда, бу Қалмоғистон Республикаси ҳукумати ва аҳолисининг қўлидалигини аниқ тушуниш керак. Республика раҳбарияти сайғоқни бош оғриқ ёки сиёсат инструменти сифатида эмас, аксинча – қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий ўсиши ва табиатдан турғун фойдаланишга ўтиш учун зўр имконият сифатида қабул қилишлари керак. Сайғоқ ов ҳайвонларининг энг ўрганилган турларидан бири ҳисобланади, шунинг учун сиёсий ирода ва етарлича барқарор молиялаштириш мавжудлигида сайғоқ сонини тиклаш масаласи – бу вақт масаласи холос.

### Экспертларнинг шарҳлари

**Алексей Леонидович Вайсман,  
«Овназоратмарказ» ФГБУ  
директорининг ўринбосари**

В.Гагарин мақоласида Қизил китоб ҳақида барчаси тўғри баён этилган, ва мен унинг ҳар битта сўзини маъқуллайман. Қизил китоб бүйича сутэмизувчилар секциясининг аъзоси ва Ноёб турлар бүйича Комиссия Бюросининг аъзоси бўлиб, мен турларни сақлаш учун инструмент сифатида Қизил китобнинг умумий фойдасизлигини жуда яхши тушунаман. Бироқ, мен бу турни Қизил китобга киритиш учун овоз бердим. Ҳозирги вақтда Фарбий-Шимолий Каспий олди ҳудудида яшовчи сайғоқни фақат алоҳида тур дастури қутқариши мумкин. Ва бу дастур федерал бўлиши керак, бу, масалан, сайғоқ “қалмиқ табиат мероси” сифатида эътироф этиладиган

Қалмоғистон Республикасининг Ҳукумати ҳеч нарса қилмаслигини ҳсиобга олганда, жуда муҳим. РФ ЖПК 258.1 моддаси билан сайғоқни ноқонуний овлаш, унинг ҳар қандай дериватларини муомалага чиқариш, сотиб олиш, сотиш ва сақлаш учун ўта оғир жазо кўзда тутилган. Бироқ сайғоқлар имкон қадар овланади, шохларини сотиб олиш тўғрисидаги эълонлар Қалмоғистоннинг барча деворларига ёпиштирилган. Кимнидир тутишдими, жазолашдими? Деярли йўқ! Бир жуфт шохнинг нархи Республика қишлоқ хўжалик секторидаги ўртача маош миқдорига деярли тенг. Ёнидан ойлик маош югураётганда, қайси мотоциклдаги чўпон ўзини тўхтата олади?

Демак, сайғоқни қутқариш учун федерал дастур керак ва пул керак, федерал



марказдан бошқариладиган катта пул керак. Бунинг учун эса сайғоқ федерал мақомга эга бўлиши, яъни Қизил китобга киритилган бўлиши керак.

.....

**Мария Николаевна Воронцова, IFAW  
Халқаро табиат муҳофазаси фонди  
Россия бўлимнинг директори**

Россия Федерациясининг Қизил китоби (РФҚК) кам учрайдиган ва йўқолиш хавфи остида турган турларни, шунингдек айрим кичик турлар ва локал популяцияларни аниқлаш мақсадида таъсис этилган асосий давлат ҳужжати ҳисобланади. У шу турларнинг ҳолатини ва яшаш жойларини ўрганиш ва кузатиш учун, уларни сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур. Ҳозирда ҳайвонларни ҳимоя қилиш учун Россияда жуда кам ҳаракат қилинмоқда, мамлакат бўйича браконьерлик авж олган, бироқ маъмурий ислохот туфайли ҳайвонларни, шу жумладан кам учрайдиган турларни муҳофаза қилиш тизими деярли барбод бўлган. Бироқ, шунга қарамасдан, айнан Қизил китоб туфайли, Россияда нафақат жамоанинг, балки қарор қабул қилувчи шахсларнинг ҳам эътиборини, мос равишда эса муҳофаза қилиш ва реинтродукция ва ҳ.к. бўйича давлат дастурларини амалга ошириш учун маблағларни жалб қилишга эришилиб, йўлбарс ва кулранг кит, қора лайлак ва дзерен ҳамда бошқа турлар буткул йўқ бўлиб кетишдан қутқарилди. Аслини олганда, Қизил китоб инсон афзал кўрган нарсаларни эмас, уларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттириш учун хизмат қилади. Россия Федерациясининг Қизил китобига киритилгандан сўнг, сайғоқ, сўнгги йилларда кузатилганидек РФ субъектлари ўртасидаги мунозара объекти бўлмайди, балки турли даражадаги– федералдан бошлаб, регионал ва муниципал табиат муҳофазаси тузилмаларини

бирлаштиради. Бу ҳар хил турдаги табиат муҳофазаси тадбирларини бажаришга табиат муҳофазаси органларини ва жамоа уюшмаларини жалб қилишга имкон беради. Айнан сайғоқнинг Қизил китобдаги ҳолати федерал ҳукумат органларини, сарфланиши устидан кучли назорат белгиланадиган катта маблағларни жалб қилган ҳолда, турни сақлаш, муҳофаза қилиш ва тиклаш бўйича ҳар томонлама дастур ишлаб чиқишга мажбур этади. Ана шунда Қалмоғистон Республикасининг раҳбарияти сайғоқни бош оғриқ ёки сиёсий ва иқтисодий инструмент сифатида қабул қилмайди. Мен В.Гагариннинг келажақда сайғоқ (умумий ёрдамимиз билан) ўзининг аввалги сонини тиклаганда, у, сайғоқ яшайдиган районларда қишлоқ ҳудудларининг иқтисодий ўсиши ва табиатдан турғун фойдаланишга ўтиш учун зўр имконият сифатида кўрилиши мумкин бўлиши ҳақидаги фикрига қўшилишга тайёрман.

.....

**Сергей Николаевич Гашев, Тюмень  
давлат университети Зоология ва  
ҳайвонлар эволюцион экологияси  
кафедрасининг мудири**

Бир томондан, турни Қизил китобга киритишнинг ўзи кам, уни муҳофаза қилиш ва тиклаш бўйича аниқ чоралар белгиланиши кераклиги тўғрисидаги масала В.Гагарин томонидан тўғри кўтарилмоқда. Кўпинча (ва кўп турлар учун!) бунинг барчаси фақат турни овлаш тақиқланиши ва унинг яшаш жойлари сақланиши билан чегараланади. Бу, албатта, етарли эмас! Сонни тиклаш бўйича чоралар керак. Ҳеч бўлмаганда, сайғоқ бўйича – аниқ. Россия Федерациясининг Қизил китоби федерал ҳужжат бўлиб, унинг асосида маҳаллий даражада ҳам, федерал даражада ҳам, бюджетининг махсус молиялаштирилиши

### Форум (давоми)

билан, турни муҳофаза қилиш ва тиклаш бўйича (ва бу ерда сайғоқ амур йўлбарси ёки узоқ шарқ қоплонидан ҳеч қолишмайди) махсус Дастур ташкил этилиши мумкин.

Бироқ муаллиф, барча овшунос-мутахассислар нима қилиш кераклигини яхши билиши тўғрисидаги тезисни эълон қилиб, кўрилиши керак бўлган, бироқ сайғоқ Россия Федерациясининг Қизил китобига киритилгандан сўнг бунинг имкони бўлмайдиган, ҳеч қандай аниқ чораларни таклиф қилмайди. Қандай чораларни фақат овчилар амалга ошириши мумкин? Бундай мантикий фикрга қараганда, ҳеч қайси кам учрайдиган турни, агар у ов тури бўлмаса, муҳофаза қилиб бўлмаслик муқаррар. У ҳолда Қизил китобларнинг самарасизлиги нимада? В.Гагариннинг бунга жавоби битта – Қизил китобдаги турларга овладиган турлар биотехниясига нисбатан камроқ пул ажратилади. Демак, агар асослар бўлса, шу билан курашиш керак. Беихтиёр М.Жванецкийнинг: “Нимани сақласанг, шунга эга бўласан” деган машҳур ибораси ёдимга тушди...

**Владимир Георгиевич Кревер,  
Умумжаҳон ёввойи табиат фонди  
Биохилма-хилликни асраш бўйича  
дастур директори**

Сайғоқ деярли яхши ўрганилган, сўнгги ўн йилликларда сонининг фожиали камайиши сабаблари тушунарли: браконьерлик кўпайиши, яшаш жойларининг майдони қисқариши ва яшаш муҳитининг ёмонлашиши.

В.Гагариннинг сайғоқни Қизил китобга киритишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги асосларидан бири молиялаштириш даражасининг мумкин бўлган қисқаришидир, чунки ов хўжалиги бўйича амалга ошириш учун топширилган ваколат субвенцияларининг ҳажмлари қизил китоб турлари бўйича аналогик ҳажмларга нисбатан юқорироқ. Нима учун сайғоқ ҳали ҳам ачинарли ҳолатда? Жавобни мақоладан топамиз: сиёсий ирода йўқ ва молиялаштириш етарлича эмас. Муаллиф молиялаштириш манбаи сифатида давлат бюджетини



© Андрей Гилёв

кўради. Шунинг учун ҳам тегишли молиялаштиришни таъминлаш ва ундан фойдаланишнинг тегишли назоратини таъминлаш учун сиёсий ирода керак. Бироқ, агар биз сиёсий иродага умид боғласак, Россия Федерациясининг Қизил китобига киритилган турга нисбатан шошилиш чоралар зарурлигини исботлашимиз ҳар ҳолда осонроқ.

Сўнги вақтда РФ раҳбарияти энг юқори даражада кам учрайдиган турларни сақлашга манфаатдорлигини намойиш этмоқда. Ҳозирча бу эътибор йўлбарс, қоплон, оқ айиқ, илвирс, стерх ва бошқа аҳамиятли турларга қаратилмоқда, бироқ бошқа кам учрайдиган турларга ҳам тегишли эътибор қаратилишига ишонамиз.

Биз Қизил китобга мушкул вазиятда қолган турларни асраш ва тиклашнинг натижа берадиган механизми сифатида қараймиз. Бироқ бу постулатнинг амалга ошиши учун Россия Федерациясининг Қизил китобига киритилган турларни сақлаш бўйича бир қатор чоралар кўрилиши керак. Илк қадамлар бу йил қўйилди: ноёблик устунликлари киритилиб, улар Қизил китобга киритилган турларни кўриладиган муҳофаза чораларининг навбат даражалари бўйича муайян тартибга солишга имкон беради. Сайфоқнинг Қизил китобга киритилиши, мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ Табиат вазирлиги томонидан зарур ҳажмда молиявий таъминотини қўшган ҳолда, уни асраш учун стратегияни тасдиқлаш ва ҳаракатлар режасини бажаришга асос бўлади.

Контрабанда (РФ Жиноий кодексининг 2261 моддаси) ва ёввойи ҳайвонларнинг ўта қимматли турларини ноқонуний овлаш ва муомалага чиқариш (РФ Жиноий кодексининг 2591 моддаси) учун жиноий жавобгарлик киритилиши браконьерликни чегаралайдиган қўшимча ричаг бўлиб хизмат қилиши керак. Бироқ барча идораларнинг инспекторлик таркиби фаолиятсиз бу имкониятларни амалга ошириб бўлмайди. Сайфоқнинг Россия Федерацияси Қизил китобига киритилиши турни ноқонуний овлаш ва унинг яшаш жойларини йўқ қилиш билан боғлиқ зарарни ҳисоблашда қўлланадиган сайфоқ нархининг нормаси ошиши билан кузатилади. Барча бу чоралар потенциал браконьер сайфоқни ўлдириш унга қанчага тушишини яна бир бор ўйлаб кўришига қаратилган.

Энг муҳими, шуни таъкидлаш керакки – ҳозирги пайтда масала бу ресурсни ким – овчиларми ёки табиат муҳофазачилари бошқараётганлигида эмас, балки сайфоқни қандай қилиб мамлакатимиз фаунасида сақлаб қолиш, сақлаш ва инсон фойдаланадиган, таъкидлаб ўтамиз – оқилона фойдаланадиган, табиат қайта тикланадиган ресурслари тоифасига яна қайтаришдир. Ов билан шуғулланувчиларнинг фаолият ҳудудида кам учрайдиган турларни асраш уларнинг мажбурияти эканлигини эслатиб ўтамиз. У ҳолда нима ҳақида гапиряпмиз?



## Янгиликлар

### Сайғоқларнинг ялпи ўлимини ўрганаётган халқаро олимлар гуруҳидан сўнгги янгиликлар

Карлин Самуэль, Сайғоқни асраш бүйича альянс, [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)



© Сергей Хоменко

2015 й. май ойида сайғоқларнинг фожиали ялпи ўлими жойидан олинган пробаларнинг кейинги таҳлили вақтида, бир нечта лабораторияларда, ҳайвонларнинг ўлимига олиб келган геморрагик септицемия юзага келишига сабаб бўлган *Pasteurella multocida* бактерияси аниқланган. Яқинда ўтказилган гистопатологик таҳлил ташҳисни тасдиқлади. Энг янги ташҳис усуллари ёрдамида инфекциянинг бошқа қўзғатувчиларини, масалан, вирусларни аниқлашга уринишлар муваффақиятсиз бўлиб, барча ҳолларда *Pasteurella* бактерияси қўзғатадиган турфун инфекция қайдланган. Шундай қилиб, сайғоқларнинг геморрагик септицемиядан фожиали ялпи ўлимига қандайдир яширин инфекция олиб келганлиги эҳтимолдан узоқдир.

Кутилмаган факт аниқланди: *Pasteurella* бактериясининг ўзига хос бир туридан юзага келган геморрагик септицемия аввал ҳам яйлов экотизимларида ёввойи ва уй ҳайвонларини ўлимга олиб келган бўлсада, зарарланган ҳайвонлар гуруҳлари орасида ўлим даражаси ҳеч қачон, сайғоқлар ҳолатидаги каби 100%га яқинлашмаган.

Бу ўтган йилги фожиани ноёб ва мислсиз биологик ходисалар тоифасига қўяди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда мумкин бўлган қўзғатувчи ва бирга кечувчи омилларни, шу жумладан ходисаларнинг бундай ноодатий ривожланишини тушунтириши мумкин бўлган экологик кучланиш омилларини аниқлаш мақсадида жадал тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Қозоғистонда сайғоқларнинг ялпи ўлими йўқолиш арафасида турган қолган ҳайвонларни бошқа ҳақиқий ва жиддий хавфлардан ҳимоялаш муаммоси муҳимлигига эътиборни тортади. Ўз сонининг деярли 90%ни йўқотган бетпақдала популяциясининг ҳолати мушкул бўлиб қолди. Сайғоқни сақлаш бүйича альянсдан Э. Дж. Милнер-Гулланд “давом этаётган фаол браконьерлик сонининг, айниқса шохлари Осиёнинг айрим мамлакатларида машҳур бўлган анъанавий хитой тиббиёти препаратларини тайёрлаш учун қимматли хом ашё ҳисобланган эркакларининг, янада қисқаришига олиб келмоқда” – деб таъкидлайди. Қозоғистон Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами кўмитасининг охириги маълумотларига кўра 2015 й. браконьерлик ҳоллари кўпайган (2015 й. - 107 ҳолат, 2014 й. – 79 ҳолат).

Ҳозирда олимлар, одатда бу бактерия сайғоқларнинг нафас йўлларида яшаб, уларга зарар етказмайдиган вақтда, ниманинг оқибатида 2015 г. май ойида ҳайвонларнинг шундай катта сонига ўлим олиб келган *Pasteurella* бактериясининг кескин кўпайиши учун қулай шароитлар юзага келганлигини аниқлашга уринишяпти. Ҳайвонлар бир вақтнинг ўзида турли ўсимликларга эга жуда катта ҳудудда ўлганлигини ҳисобга олганда, бошиданоқ атроф муҳитга тушиши мумкин бўлган



заҳарли моддалар билан ёки заҳарли ўсимликлар билан заҳарланиши эҳтимолдан узоқлиги тахмин қилинди. Лаборатория таҳлилларининг сўнгги маълумотларига асосан ҳайвонларнинг, масалан, сув ўтлари ёки қўзиқорин токсинлари, оғир металллар ёки таркибида гептил бўлган ракета ёқилғиси билан заҳарланишнинг ҳеч қандай излари топилмади, барча патологик ҳодисалар эса септицемиянинг тез ривожланиши ва бактериал-токсик шокдан юзага келган. Бундан ташқари ўлим районларидан олинган сув ва тупроқ таҳлили ҳам уларда атроф муҳит учун зарарли бўлган ҳеч қандай токсинларни аниқламади.

Демак, шу йил май ойидаги экспедиция вақтидаги тадқиқотлар, асосан сайғоқлар популяцияси орасида бактериянинг фожиавий тарқалиши учун қулай шароитлар яратиши мумкин бўлган омилларни аниқлашга қаратилган. Бу омиллар об-ҳавони, тупроқ ва озуқа базасининг ҳолатини, ўсимликни, тупроқ

таркибига ортиқча сув таъсирини, яйловдаги бактериялар миқдорини ва, сайғоқларнинг ялпи ўлими турли участкаларида бир хил бўлиши мумкин бўлган бошқа омилларни ўз ичига олади. 2015 й. сайғоқларнинг ялпи ўлими районлари, ҳайвонлар ўлмаган олдинги йиллардагидан нима билан фарқланишини аниқлаш жуда муҳим эди.

Барча ишлар Лондон Университети ҳузуридаги Қироллик Ветеринария Коллежи раҳбарлигидаги халқаро тадқиқот лойиҳаси доирасида Қозоғистон Биологик хавфсизлик Илмий-Тадқиқот Институти ва Қозоғистон биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси (ҚБСА), шунингдек Оксфорд Университети, Бристоль Университети, Умеадаги (Швеция) Қишлоқ Хўжалиги Университети ҳамда БМТ Озиқ-овқат ва Қишлоқ Хўжалиги Ташкилоти каби бир қатор халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилляпти. Фавқулудда молиявий ёрдам Буюк британия ҳукумати ҳузуридаги Атроф муҳитни тадқиқ қилиш Миллий Кенгаши



© Андрей Гилёв

### Янгиликлар (давоми)

томонидан кўрсатилмоқда. Қўшимча ёрдам Сайғоқни асраш бўйича альянс, Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармоқ (Wildlife Conservation Network), Йўқ бўлаётган Турлар Халқ Фонди (PTES) ҳамда Фауна ва Флора Интернешнл (Fauna & Flora International) томонидан кўрсатилмоқда. ҚБСА ҳам Франкфурт Зоология жамияти, Қушларни Ҳимоялаш Қироллик Жамияти, Флора ва Фауна Интернешнл каби халқаро ҳамкорлар билан биргаликда “Олтин Дала” Табиат Муҳофазаси Ташаббусини (ОДТМТ) амалга оширяпти.

Сайғоқларнинг тикланиши учун маълум вақт талаб этиладиган бетпақдала популяциясини сақлаш бўйича ишларда браконьерликка қарши курашишнинг давом эттирилиши муҳим масаладир. Қозоғистон ҳукумати бошқа мамлакатларнинг вазирликларлари ва ташкилотлари билан биргаликда, бир қисми шу йилнинг ўзида амалга ошириладиган сайғоқни асрашга қаратилган ҳаракатлар рўйхатини ишлаб чиқди. Ишда Биологик хавфсизлик муаммолари ИТИ ҳам, ҚБСА ҳам қатнашиб, бу халқаро тадқиқот фаолияти ва Қозоғистон ҳукуматининг ҳайвонларни сақлашга қаратилган ҳаракатлари ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни мустаҳкамлашга имкон берди.

Иш жараёнида келажакда ҳайвонларнинг шунга ўхшаш ялпи ўлими ҳолларининг олдини олиш чоралари ҳам кўриб чиқилди. Шу хусусида Қироллик Ветеринария Коллежининг проф. Ричард Кок шундай дейди: “Ушбу турнинг ўзини тутиш хусусиятларини ва бу ҳайвонларни эмлаш механизми мавжуд эмаслигини



© Сергей Хоменко

ҳисобга олган ҳолда, амалда сайғоқларда геморрагик септицемия профилактикасини ўтказиш имкони йўқ. Вакцинани ҳаводан пуркаш йўли билан ёки бошқа бирон-бир усулда эмлашга уриниш натижасида ҳайвонларда юзага келиши мумкин бўлган стрессдан ўлиш эҳтимоли сайғоқларда тахминан касалликнинг ўзидан ўлиш эҳтимолига тенг. Фақат кўзғатувчи ва бирга кечувчи омиллар аниқлангандан кейингина жоиз аралашув даражасини баҳолаш мумкин”.

Шу аснода, давом этаётган касаллик юзага келиши сабабларини ўрганиш албатта қолган популяцияларни сақлаш бўйича кучайтирилган чоралар билан бирга бўлиши керак.

## Қозоғистонда сайғоқларни сақлаш масалаларини муҳокама қилиш бўйича семинар

*Кривошеева Алёна, Қозоғистон Биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси, [alyona.chukhatina@acbk.kz](mailto:alyona.chukhatina@acbk.kz)*

2016 йил 5-6 апрелда «Қозоғистон Биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси» РОО ташаббусига кўра ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами кўмитасининг кўмагида Қозоғистонда, Астана ш. Қозоғистонда Сайғоқни асраш (*Saiga tatarica tatarica*) масалалари бўйича халқаро ишчи йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу учрашув «Олтин Дала» Табиат Муҳофазаси Ташаббуси доирасида ўтказилди.

Йиғилишда сайғоқни ўрганиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ишлайдиган қозоғистонлик ва халқаро экспертлар: ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами кўмитаси, «Охотзоопром» ПО» РГКП, КГД МФ РК «Кинологик марказ» РГУ, ҚР ТФВ Фан кўмитасининг «Биологик хавфсизлик муаммолари илмий-тадқиқот институти», «Олтин Дала» давлат табиат резервати ва «Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати», Франкфурт Зоология жамияти (Германия), Қушларни Ҳимоялаш Қироллик Жамияти (Буюк британия), Флора & Фауна Интернешнл (Буюк британия), Қироллик ветеринария коллежи (Буюк британия) вакиллари қатнашди.

Йиғилиш иштирокчилари Қозоғистонда сайғоқ муҳофазаси ва мониторинги бўйича фаолият масалаларига; турни сақлашдаги қийинчилик ва муаммоларга; сайғоқ шохларини нолегал сотишга қарши курашишда хизмат итларидан фойдаланиш тажрибасига; Зимбабведа браконьерликка қарши курашиш тажрибасига; ҳайвонот муҳофазаси бўйича тадбирлар самарасини ошириш учун SMART дастурдан фойдаланиш имкониятларига; 2015 йилда бетпақдала популяцияси сайғоқларининг ялпи ўлимни далада ва лабораторияда



Йиғилиш иштирокчилари. Гуруҳлардаги иш. © ҚБСА

ўрганиш натижаларига бағишланган маърузаларни тинглашди

Ишчи гуруҳлардаги муҳокамалар вақтида иштирокчилар Қозоғистонда сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича жорий ҳолатни баҳолади, заиф ва кучли томонларни белгилади. Аниқланган муаммо ва камчиликлар асосида иштирокчилар томонидан жойларда сайғоқлар муҳофазасини яхшилаш ҳамда браконьерликка қарши курашишни кучайтириш бўйича аниқ чоралар ва зарур қадамлар таклиф қилинди. Кун тартибига қўйилган барча масалалар энг юқори даражада, қарор қабул қилувчи шахслар билан ҳам, маҳаллий даражада, АҚТХ вакиллари билан ҳам муҳокама қилинди. Экспертлар томонидан алоҳида сайғоқ касалликлари билан, жумладан ушбу масаланинг кейинги ўрганилиши бўйича сайғоқ популяциялари соғлиги ҳолатининг доимий мониторинги, систематик тарзда қон пробаларини олиш, касалликнинг илк белгилари юзага келган ҳолда ҳаракат қилиш каби зарур чоралар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.



### Янгиликлар (давоми)

Ишчи йиғилиш якунига кўра 56та турли йўналишларни ўз ичига олган, 8та катта бўлимлардан иборат резолюция қабул қилинди. Хусусан резолюцияга қуйидаги муҳим масалалар киритилди:

- ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш хизматларининг ходимларини тайёрлаш ва малакаларини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- СИТЕС процедуралари буйича тренинглари ташкил қилишга ҳамда божхона ва чегара хизматлари учун услубий ҳужжатлар ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

- чегарада ҳам, мамлакат ичида ҳам сайғоқ дериватларини топиш учун қидирув итларидан фойдаланиш дастурини кенгайтириш;

- турли лойиҳалар доирасида маҳаллий аҳоли учун альтернатив даромад манбаларини ривожлантириш буйича ташаббусларни жорий этиш;

- аҳолини хабардор қилиш буйича дастурни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда қишлоқ мактабларида (замонавий ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда) таълим бериш ишларини ўтказиш;

- сайғоқлар касаллиги авж олган ҳолда тез ҳаракат қилиш буйича Стандарт оператив процедураларни (СОП) тўлдириш ва уларни ваколатли орган томонидан тасдиқлаш;

- қўзилаш вақтида ва сайғоқларни тутиш жараёнида систематик эпизоотологик мониторинг ўтказиш (ҳайвонлардан қон пробаларини олиш).

### Фауна ва Флора Интернешнл “Олтин Дала” Табиат Муҳофазаси Ташаббусига қўшилди

*Бирченаф Лиша, FFI, liesje. [birchenough@fauna-flora.org](mailto:birchenough@fauna-flora.org)*

Сайғоққа нисбатан таҳдид кўлами ва характерини ҳисобга олган ҳолда, айниқса 2015 й. рўй берган ҳайвонларнинг ялпи ўлими ва давом этаётган браконьерлик муносабати билан 2016 йил апрелда Астанада бўлиб ўтган сайғоқни асраш масалалари буйича йиғилиш иштирокчилари бутун Қозоғистон ҳудудида турни сақлаш учун комплексли ва бир бутун ёндашув қўллашга қарор қилдилар. Биз шошилиш тарзда республикадаги учта сайғоқ популяциясининг барчасининг турғунлигини таъминлашимиз ва ландшафт ёндашувга асосланган ҳолда яқин трансчегаравий ҳамкорликни йўлга қўйишимиз керак, дедилар йиғилиш иштирокчилари. Франкфурт Зоология жамияти, Қушларни Ҳимоялаш Қироллик Жамияти, Қозоғистон Биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси (ҚБСА) ва Қозоғистон Республикасининг Ҳукумати Марказий Қозоғистонда бетпақдала чўлини сақлаш

учун “Олтин Дала” Табиат Муҳофазаси Ташаббуси (ОДТМТ) доирасида биргаликда ишламоқда. ҚБСА томонидан амалга оширилаётган ташаббус сайғоқни асраш ва 2015 й. ялпи ўлим пайтигача унинг сонини кўпайтириш буйича энг муваффақиятли лойиҳа эди. ОДТМТнинг Фауна ва Флора Интернешнл (ФФИ) амалга ошираётган Устюрт ташаббуси билан параллеллари кўп – бир хил муаммолар, ёндашувлар ва партнёрлар. Ландшафтларни сақлаш буйича самаралироқ ва ўзаро фойдалироқ фаолият юритиш мақсадида биз иккита ташаббуснинг янада яқинроқ ҳамкорлиги учун имкониятларни ўргандик. Натижада, ОДТМТ ташкилий қўмитасининг учрашувига ФФИ асосий партнёр сифатида таклиф этилди, Устюрт эса кўшимча муҳим ландшафт сифатида белгиланди. Урал регионини қўшиш орқали Ташаббус фаолияти доирасини кенгайтириш ҳақида



қарор ҳам қабул қилинди. Шундай қилиб, “Олтин чўл”ни сақлаш бўйича ташаббус Қозоғистонда сайғоқ яшайдиган учта регионни (120 млн. га) ва бу турнинг учта популяциясининг барчасини қамраб

олади. ОДТМТ партнёрлари бу ҳамкорлик Қозоғистонда сайғоқни яхшироқ ва самаралироқ сақлашга имкон беришига ишонадилар.

## Ўзбекистонда “Сайгачий” заказниги қайта ташкил этилди

**Александр Есипов, Сайғоқни асраш бўйича альянс, [esipov@xnet.uz](mailto:esipov@xnet.uz)**

Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофазаси давлат қўмитасининг (Давтабиатқўм) таклифига кўра 2016 йил 22 июлда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Сайгачий” комплекс (ландшафтли) заказнигини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу қарор ҳудудни оптималлаштириш ва заказник мақомини ўрнатишда қатнашган кўплаб инсонларнинг, ташкилот ва идораларнинг (ЎзР Давтабиатқўм, ЎзР Фанлар Академияси, ГЭФ/ПРООН “Ўзбекистоннинг нефт-газ секторида биохилма-хилликни сақлаш принципларини интеграллаш” лойиҳаси, Сайғоқни асраш бўйича альянс, Fauna and Flora International, Whitley Fund for Nature халқаро ташкилотлар) меҳнатини тақдирлади. Бу ходиса Қорақалпоқ Устюрти шимолий қисмининг ноёб ландшафт ва биологик хилма-хиллигини сақлашга ва, биринчи навбатда, бу ерда сайғоқлар сонини тиклашга қаратилган, Ўзбекистоннинг ушбу қўриқланадиган табиат ҳудудининг (ҚТХ) ривожланишида янги босқични очиб берди. Ландшафтли заказник яратилиши маҳаллий аҳоли ва табиат фойдаланувчиларига табиат муҳофазаси жараёнига керакли тарзда бирлашиш ва табиат ресурсларидан турғун фойдаланишга ҳам имкон беради.

Ландшафтли заказник 1991 йилдан шу ном остида мавжуд бўлган, ўзидан “Қоғозда ташкил қилинган ҚТХ” классик мисолини ифодалаган заказник базасида ташкил қилинди. Заказник ҳеч қачон хусусий ер ва штатга эга бўлмаган, амал қилиш муддати

бир неча марта узайтирилган, бироқ бир қатор сабабларга кўра ҚТХ шакли самарасиз бўлиб, ўз асосий – сайғоқни қайта тиклаш жойларини муҳофаза қилиш вазифасини бажармаган. Қайта ташкил этилгандан сўнг заказникда асосан табиат муҳофазаси бўйича давлат инспекторларидан иборат бўлган штат пайдо бўлади. Заказник ҳудудини қўриқлашга, унинг Низомига мувофиқ, жамоа инспекторлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Ҳудуднинг ўзи эса шаклини ўзгартириб, Қозоғистон билан Давлат чегарасига ва Устюрт платосининг Шарқий чинкига жуда яқин бўлиб, Устюрт қорақалпоқ қисми ҳудудидаги сайғоқлар яшаш жойларининг энг яхшиларини қамраб олди. Умумий майдони 628300 га бўлган комплекс заказниги қатъий қўриқлаш режимига ва уларни ўраб турувчи қўриқлаш (буфер) зонасига (219800 га) эга 5та асосий участкалардан (казакникнинг ядровий



© Александр Есипов


## Янгиликлар (давоми)

зонаси) иборат. Бу, худудиди Бруней давлати ёки иккита Люксембург осон сиғиши мумкин бўлган, Ўзбекистондаги энг йирик ҚТХ.

Ландшафтли заказникнинг каттароқ қисми (95%га яқин) Қўнғрод туманининг худудиди жойлашган. Қолгани – бевосита Орол денгизига яқин Мўйноқ туманининг чинк олди бўшлиқларида жойлашган. Заказник ЎЗР Давтабиатқўмга қарашли бўлиб, унинг офиси Қорақалпоқстон поселкасида жойлашади. ГЭФ/ПРООН лойиҳаси туфайли муҳим нуқталарда инспекторлар томонидан кордон ва дала базалари сифатида фойдаланиш учун вахший одамлардан ҳимояланган металл вагончалар ўрнатилган, шунингдек юқори ўтиш қобилиятига эга автомобиллар, дала аслаҳа-анжомалари ва ускуналар

харид қилинган, ахборот шчитлари тайёрланган.

Заказник тўғрисидаги Низомга асосан “ядровий” участкаларнинг ери, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиат объект ва комплекслари хўжалик фойдаланишдан олиниб, табиат муҳофазаси учун мўлжалланган ерларга киритилади. Комплекс ландшафт заказнигига қуйидаги вазифалар юкланади: барча табиат объект ва комплексларининг табиий ҳолатда сақланиши; илмий тадқиқотлар ўтказиш ва атроф муҳит мониторингини юритишга кўмаклашиш; табиат муҳофазаси соҳасида илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш; экологик билим бериш. Заказникнинг илмий-тадқиқот фаолияти Ўзбекистон Фанлар Академияси тизимидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари,







шунингдек бошқа , шу жумладан хорижий идоралар ва алоҳида олим ва мутахассислар томонидан ўтказилган кўп йиллик стационар комплекс тадқиқотларга асосланади.

Заказник ва қўриқланадиган зона участкаларининг чегаралари, шунингдек бошқа объектлар жойда ахборот шчитлари, ҳудуд устунлари ва бошқа белгилар билан белгиланади.

Қўриқлаш зонасининг ҳудудида заказник билан келишган ҳолда: умумий фойдаланиш йўлларида юриш; қўриқлаш

зонасида жойлашган коммуникацияларда таъмирлаш ишларини ўтказиш; экологик туризм; сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун бино ва иншоотлар қурилиши; геологқидирув ишларини ўтказиш; молни ўтлатиш амалга оширилади. Қўриқлаш зонасида: фойдали қазилмаларни кавлаб олиш; газқувурларини, бошқа коммуникацияларни, хом ашёни қайта ишлаш объектларини ва бошқа саноат объектларини қуриш; янги йўллар ётқизиш чегараланади. Қўриқлаш зонасида: ҳайвонларни овлаш ва тутиш, заҳарли химикатларни қўллаш тақиқланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда “Сайгачий” заказнигини, Устюрт платосининг ноёб табиат комплексини ва унинг асосий яшовчиси – сайғоқни ҳудудий қўриқлаш фаол механизми бўлишга қаратилган бир номли комплекс ландшафтли заказнигига ўзгартириш ишлари муваффақиятли яқунланди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда йўқолиб кетиш арафасида бўлган турни сақлашда ўта жиддий бўлган бу ҳодисанинг аҳамиятига ортиқча баҳо бериш мушкул.



## Янгиликлар (давоми)

### АҚТХ бошқариш самарасини ошириш ва браконьерликка қарши курашиш чораларини кучайтириш

*Кривошеева Алёна, Қозоғистон Биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси, [alyona.krivosheyeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheyeva@acbk.kz)*

“Қозоғистон Биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси” РОО томонидан халқаро партнерлар билан биргаликда амалга оширилаётган “Олтин Дала” Табиат Муҳофазаси Ташаббусининг (ОДТМТ) устувор вазифаларидан бири ОДТМТ лойиҳа тармоғига кирадиган алоҳида қўриқланадиган табиат ҳудудларини (АҚТХ) самарали бошқариш, шунингдек барча қўйилган мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун АҚТХ потенциалини оширишдир. Беш йиллик АҚТХ Бошқариш Режаси самарали менежментнинг зарур инструментиدير.

Сайфоқларнинг бетпақдала популяциясининг кўзилаш ва кўчиш жойларини қўриқлаш мақсадида ташкил қилинган “Олтин Дала” давлат табиат резерватида расмий тасдиқланган Бошқариш режаси бўлмаганлиги сабабли, фан, ахборот ва мониторинг бўлимининг, шунингдек экологик таълим бериш ва туризм бўлимининг ходимлари учун уни тайёрлаш бўйича амалий семинар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Семинар 2016 йил 3-4 августда Костанай области Амангельди пос. резерват базасида бўлиб ўтди. У ҚБСА мутахассислари томонидан ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами кўмитаси (ҚР ҚХВ ЎХВҲОҚ) кўмагида Қушларни ҳимоялаш қироллик жамияти (RSPB, Буюк британия) билан биргаликда ташкиллаштирилди. Семинарда 30га яқин одам қатнашиб, улар орасида ЎХВҲОҚ ходимлари, шунингдек уч АҚТХ: “Олтин Дала” резервати, “Иргиз-Тўрғай” давлат табиат резервати ва Қоргалжин қўриқхонасини бошқариш режасини тайёрлаш ва жорий этиш учун масъул мутахассислар бўлди.



АҚТХ Бошқариш Режасини тайёрлаш бўйича семинар иштирокчилари. © ҚБСА

Семинар давомида Бошқариш Режасини тайёрлашнинг назарий томонлари кўриб чиқилди, ҳар бир АҚТХ асосий ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, таҳдидлар таҳлилини ўтказиш, шунингдек аниқ бошқарув вазифаларини қўйиш, узоқ муддатли мақсадларни шакллантириш ва ҳ.к. масалалари кўтарилди. Бир вақтнинг ўзида “Олтин Дала” ДТР амалдаги (бирок тасдиқланмаган) Бошқариш режасининг пухта таҳлили ўтказилди. ҚБСА мутахассислари томонидан давлат инспекторлари ва илмий бўлим ходимлари учун GPS-навигаторлардан фойдаланиш, шунингдек мониторинг ахборотини йиғиш ва уни, сўнгги пайтда яхшиланган ва такомиллаштирилган маълумотлар базасига киритиш бўйича махсус машғулотлар ўтказилди.

2016 йилда “Олтин Дала” табиат резервати ва “Иргиз-Тўрғай” давлат табиат резервати ҳудудида браконьерликка қарши курашишни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҚБСА ва Сайфоқни асраш бўйича альянснинг биргаликдаги лойиҳаси амалга оширилди. Ушбу лойиҳа доирасида фото- ва видеокамералар, ноутбуклар, дурбинлар, GPS-навигаторлар,



палаткалар, қопкўрпалар харид қилинди. Жами 92та бирлик ускуналар харид қилиниб, улардан 43таси - “Олтин Дала” ДТР учун ва 49таси - “Иргиз-Тўрғай” давлат табиат резервати учун. Кейинчалик ушбу ускуналардан фойдаланиш самарасининг доимий назорати ва мониторингини юритиш режалаштирилмоқда. Лойиҳа, 2015 й. сайғоқларни ялпи ўлимидан кейин уларни сақлашга кўмаклашиш учун маблағ йиғилишини эълон қилган Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармоқнинг молиявий кўмагида ўтказилляпти.



Иргиз-Тўрғай ДТР ходимларига дала ускуналарини топшириш. © ҚБСА

## Устюртда сайғоқларнинг тўсиқларсиз кўчиши бўлади!

*Путилин Александр, Қозоғистон Биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси*  
[aleksandr.putilin@acbk.kz](mailto:aleksandr.putilin@acbk.kz)

2011 й. куздан бошлаб Қозоғистон Ўзбекистон ва Туркменистон билан чегарада баландлиги 1,7 метр атрофида бўлган, 8 қатор тикансимдан иборат муҳандислик иншоотларини қура бошлади. 2012 й. охирига бу ишлар якунланди. Тахминан 150 км масофада чегара девори сайғоқларнинг Устюрт популяцияси – қисқараётган сони туфайли жуда кучли хавотир туғдираётган популяция ареалидан ўтади. Устюрт сайғоқлари кўпроқ вақтини Қозоғистонда ўтказишади, бироқ қишда икки мамлакатнинг чегарасини кесиб ўтиб, Ўзбекистонга кўчади. Чегарада девор мавжудлиги сайғоқларнинг қишлаш жойларига ўтиш йўлини тўсиб қўяди, бу эса Устюрт платосида ареал қисқариши хавфини туғдиради. Сайғоқлар қиш пайтида чегара деворини ўта олмаганлиги (ва ёз келгунича шимолга қайта олмаганлиги) сабабли, улар яшаш учун қулай бўлмаган нооптимал, озуқа етишмаслиги кузатиладиган жойларда қолишга мажбур бўлади,

бу эса ҳайвонларнинг озиб кетиши ва юқори ўлим миқдорига ва, мос равишда популяция сонининг қисқаришига олиб келади. Қишда уларга очликдан ва ўта паст ҳаво ҳароратидан ўлим таҳдид солади, баҳорда улар узокроқда шимолда жойлашган яхши яйловларга етиб бора олмайди.

Юзага келган мушкул вазият туфайли, 2013 й. Франкфурт зоология жамияти, Фауна ва Флора Интернешнл Фонди, шунингдек Ёввойи ҳайвонларнинг кўчувчи турларини сақлаш бўйича конвенция кўмагида деворнинг сайғоқлар кўчишига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тавсиялар тайёрланди (<http://www.cms.int/en/publication/saiga-crossing-options>). Ҳисоботда тўсиқ конструкциясини ўзгартириш, хусусан симнинг паст қаторларини олиб ташлаш тавсия этилган бўлиб, бу ҳайвонларга тўсиқни бемалол ўтишга имкон берар эди.

Ушбу тавсияларни бажариш тўғрисида “ҚБСА” РОО томонидан юборилган

## Янгиликлар (давоми)



расмий сўров хатига Қозоғистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Қўмитасининг чегара хизмати сайфоқлар яшаш жойларида ҳар бир километрдан кейин икки устун орасида симнинг уч пастки қатори олиб ташланади деган, жавоб келди, бу ҳайвонлар учун бемалол ўтиш имконини беради.

Сайфоқлар учун ўтиш йўллари яратиш бўйича тавсияларнинг бажарилиши ҳақида ишончли ахборот олиш мақсадида 2016 й. 19 дан 21 июнгача Қозоғистон ва Ўзбекистон чегарасида тикансимли девор визуал кўриқдан ўтказилди. Чиқиш “ҚБСА” РОО томонидан “Олтин Дала” Табиат муҳофазаси ташаббуси доирасида “Охотзоопром” ПО ва ҚР

МХҚ чегара хизмати билан биргаликда ташкиллаштирилди.

Чегарани кўриш маршрути Қозоғистон чегарасининг ғарбий томонидан - Актюбинск областидан бошланиб, Орол денгизи районида якунланди. Чегара участкасини визуал кўриқдан ўтказиш пайтида, чегара хизмати ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариб, сайфоқлар кўчиши учун ўтиш йўллари очганлиги аниқланди. Сайфоқлар ўтиши учун участкаларнинг умумий миқдори 125ни ташкил қилди. Бундан ташқари, 11 км узунликдаги битта участкада пастдаги симлар умуман йўқ (Расм).

Устюрт популяцияси сайфоқларининг тўсиқларсиз кўчиши имкони иккала



мамлакатда ҳам браконьерликка қарши курашиш чораларини кучайтириш зарурлигини кўзда тутлади. Айниқса, бу чўл антилопаларининг кўчиш даврига тегишли: айнан шу вақтда, катта тўдаларга тўпланган ҳолда, улар браконьерлар учун енгил ўлжа бўлиши мумкин, шунинг учун чегаранинг икки томонида сайғоқларнинг кўчиш жараёни ва муҳофазаси мониторинги учун имкон қадар барча кучларни ишга солиш зарур.



Девор конструкциясидаги ўзгаришлар:  
а – давлат чегараси участкасининг 150 км масофада; б – 11км ўтишда.  
© Александр Путилин

## “Фреска-2016” Россия миссияси бажарилди!

*Евгения Самтанова ва Айгуль Айтбаева, Е.К. Хаглишева ном. Яшкўл кўп тармоқли гимназияси, [aigul-0889@mail.ru](mailto:aigul-0889@mail.ru)*

*Май байрамлари арафасида Қалмоғистон Республикаси пойтахти – Элиста шаҳридан 90 км да жойлашган Яшкўл п., Е.К. Хаглишева ном. Яшкўл кўп тармоқли гимназияси базасида чўл табиатига бағишланган фресканинг тантанали очилиши бўлди. Сайғоқ муҳофазаси ташвиқотида бу янгича ёндашув илк бор 2014-2015 йй. Ўзбекистон ва Қозоғистонда қўлланган. Бу йил, Сайғоқни асраш бўйича альянсдаги ҳамкасблар ва профессор Ю.Н. Арилов туфайли ушбу ғояни Яшкўл гимназиясида амалга оширишга эришилди. Айнан шу ерда Россиянинг хизмат кўрсатган ўқитувчиси Е.А.Самтанова раҳбарлигида “Тирик мерос” болалар экологик чўл клуби муваффақиятли фаолият юритмоқда. Асосан деворга расм солиш бўйича йирикмасштабли лойиҳалар устида ишлайдиган британиялик рассом-анималист Рори МакКенн ажойиб фреска муаллифи бўлди. Унинг фрескаларини Сейшель оролларида, Австралияда, Оманда ва Японияда кўриш мумкин. Ғоя лойиҳаси ўқитувчилар, болалар ва уларнинг ота-оналари иштирокида деворга расм солиш орқали сайғоққа бўлган муносабатни ўзгартиришдан иборат эди. Лойиҳа Сайғоқни сақлаш бўйича альянс, Ёввойи табиатни асраш бўйича тармоқ (WCN) ва Россия WWF томонидан қўллаб-қувватланди.*

2016 й. 18 апрел тонг саҳардан Яшкўл поселкасининг аҳолиси қалмиқ ерига британиялик рассом-анималист Рори МакКенн ташрифини сабрсизлик билан кутди. Бу ҳодиса Яшкўл райони ҳокими ж-б Хаглишев эътиборидан четда қолмади, ва у Рорини қутлаган ҳолда, фақат болаларда

эмас, балки чўл республикасининг барча аҳолисида қадрдон табиатга ва, айниқса сайғоқни асрашга бўлган муносабатини яхшилашга кўмаклашадиган ушбу лойиҳанинг катта аҳамияти ҳақида алоҳида гапирди.

### Янгиликлар (давоми)

Рори ташрифига бағишланган тантанали линейкада Гимназия ўқувчилари ва бутун педагогик таркиб уни қутлади, ва ҳурмат белгиси сифатида, қалмиқ анъанасига мувофиқ, унга оқ хадак (ипак шарф) топширди. Учрашув дўстона суҳбатга айланиб кетиб, Рори ўзи, оиласи ва, дунёнинг турли мамлакатларида амалга оширишига тўғри келган кўплаб лойиҳалари ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида Гимназия ўқувчилари Рорига ўзларининг экологик таълим соҳасидаги ютуқлари ҳақида гапирди. Деворга расм солиш бүйича лойиҳа 12 кун давом этди ва уни амалга оширишда рассом ташрифидан бир ой олдин гимназияда ўтказилган “Чўл антилопаси” расмлар танловининг ғолиблари – турли синф ўқувчилари фаол иштирок этди. Ҳар танаффусда, чўл ҳайвонлари ва ўсимликларининг образларини қанчалик синчиклаб ва чиройли чизишини диққат билан кузатган кўплаб болалар Рори атрофини ўради.

Тилга оид айрим қийинчиликларга қарамасдан, Рори бўлган мамлакатларнинг фауна ва флораси ҳақида кўпроқ билиш ниятида болалар унга талайгина саволлар берди. Деворга солинган расмларни кўришга Яшқўл поселкасининг аҳолиси ҳам келиб, Рорига қувонч билан турли совғалар ҳадя қилди. Масалан, Гаряевлар оиласи Рорига машхур қалмиқ рассоми Паваев чизган суратни ва унинг китобини совға қилди, Ноҳаев-Насакаевлар оиласи эса миллий қалмиқ ўйини ва анъанавий қалмиқ нақши туширилган пиёлани тақдим этди.

60та бола – расмлар танлови иштирокчилари - учун Рори тасвирий санъат дарсларини ўтказиб, уларда болалар ҳайвонларни чизиш ва трафаретдан фойдаланган ҳолда откриткалар яшашни ўрганди. Кичик мактаб ўқувчилари учун мастер-класс эса қоларли бўлди. Болалар катта қизиқиш билан Рорининг насиҳатларини



Рори МакКенн ва унинг чўл табиати ҳақидаги ажайиб фрескаси. © Айгуль Айтбаева





Рори «Тирик мерос» чўл клубининг аъзолари билан. © Айгуль Айтбаева

тинглади ва унинг кетидан ҳар бир ҳаракатини такрорлади. Натижада бир тўда кичик сайғоқчалар чизилди. Инглиз тили дарсларига кириб, Рори болалар билан мулоқот қилди, ва шу билан уларнинг инглиз тили бўйича билимларини яхшилади. Чўл клубининг аъзолари рассомни ўз йиғилишларига таклиф этиб, уни клуб фаолиятининг асосий йўналишлари билан таништирдилар. Рори гитара чалиб, ажойиб қўшиқлар куйлади. Клуб аъзолари ҳам инглиз тилида қўшиқ куйлади. Йиғилиш якунида ўқувчилар Рорини ўз клубларига қабул қилиб, клуб логотипи туширилган значок ва миллий шахмат совға қилидилар.

29 апрелда “Чўлнинг тирик мероси” номли фрескани яратиш ишларига бағишланган тантанали линейка бўлиб, унда ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар, меҳмонлар иштирок этди. Ўз чиқишларида ўқувчилар ва педагоглар Яшқўл гимназияси деворидаги сурат турли мамлактлардаги инсонларни сайғоқни асраш ишида бирлаштириш рамзи бўлиб, узоқ йиллар нафақат гўзаллиги ва оригиналлиги билан қувонтириши, балки қадрдон табиатни

сақлаш зарурлигини ҳам ёдга солиб туришини таъкидладилар.

Икки ҳафта бир кундек ўтиб кетди, ва ҳеч ким бу вақт ичида яшқўлликлар учун қадрдон бўлиб қолган “бизнинг” Рорини қўйиб юборишни хоҳламасди. Шубҳасиз, Рори Республикамининг барча аҳолиси учун, кўп йиллар давомида ўқитиш инструменти бўлиб хизмат қиладиган, шунингдек ўсиб келаётган авлодни тирик табиатга ижобий муносабатда тарбиялашга ёрдам берадиган шундай ажойиб совға тақдим этди.

Мақола сўнгида Рорининг ўзига, Республикаминизга шундай ажойиб рассом келишига имкон яратган барчага, шунингдек Гимназия педагог ва ўқувчиларига шундай катта аҳамиятли лойиҳанинг ташкил қилиниши ва бажарилишидаги фаол иштироки учун катта миннатдорчилик билдирмоқчи эдик. Фреска яратилиши ҳақидаги филмни <https://www.youtube.com/watch?v=jAsDNFuNtdQ>да кўриш мумкин. Шунингдек <https://rg.ru/2016/07/12/reg-ufo/hudozhnik-iz-anglii-narisoval-fresku-s-sajgakami-v-kalmykii.html>га қар.

## Янгиликлар (давоми)



Энг кичиклар учун мастер класс.  
© Айгуль Айтбаева

**Рори МакКенн, [rory.mccann84@gmail.com](mailto:rory.mccann84@gmail.com)**

Мен рассомман, ва сўнгги 4 йил деворга расм солиш билан шуғулланаман. Ишларимнинг асосий мақсади – одамлар эътиборини табиатга тортиш. Шубҳасиз, унинг доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва, яқинда, Россияда ишлашга тўғри келган, Сайғоқни асраш бўйича альянс билан ҳамкорлик ҳаётимдаги энг қизиқ ва унумли ҳодиса бўлди. Бу мамлакатларнинг ҳар бирида мен сайғоқлар йўқ бўлиш хавфи остида бўлган регионларда бўлдим. Менинг вазифам, Альянс томонидан ўтказиладиган ишда имкон қадар кўпроқ инсонлар қатнашиши, ва ўз ўлкаларида флора ва фаунани сақлаш муҳимлигини англаши учун маҳаллий бирлашма вакиллари ишга жалб қилган ҳолда, катта фреска яратиш эди.

Шу йилнинг апрел ойида мен Россиянинг жануби-ғарбидаги шаҳар Астраханга учаётган самолётга ўтирдим. Аэропортда мени университет профессори ва Сайғоқни асраш бўйича альянс ходими Юрий Арилов ва унинг ўғли кутиб олиб, дарҳол, яқин икки ҳафта яшашим керак бўлган Яшқўл поселкасига олиб кетишди. Бевосита расм солишни бошлашдан олдин мен бир қатор инсонлар билан, улар орасида таржимоним

Анатолий, мен ишлашим керак бўлган маҳаллий мактаб директори ва, гавдали ва жуда дилкаш эркак бўлиб чиққан поселка раиси билан учрашим зарур эди!

Сўнг мени маҳаллий мактабга таклиф қилиб, юқори синф ўқувчилари менинг шарафимга баҳорги лола гуллашини ифодаловчи сахна намоиш этдилар. Шу ернинг ўзида менга бироз ўзим ҳақимда, ўз фаолиятим ва Сайғоқни асраш бўйича альянс томонидан бажарилаётган ишнинг муҳимлиги ҳақида гапириш имкони берилди. Мен чиза бошладим, ва ўқувчилар дарҳол катта қизиқиш билдиришди. Ҳатто мен деворни оддий оқ бўёқ билан грунтлагунимча, ҳар томондан ажабланиш ва қойил қолиш садолари эшитилди! Кун сайин атрофимда, ишимни кузатиш ва саволлар бериш учун танаффус пайтида ва дарслардан кейин янада кўпроқ ўқувчилар тўпланар эди. Деворда бир нечта сайғоқнинг пайдо бўлиши эса сайғоқнинг мушкул аҳволи ва уни муҳофаза қилиш зарурлиги ҳақида суҳбат очиш учун ажойиб баҳона бўлди. Кучим қолмай толиққан пайтларимда, ўқитувчилардан бири “буддистлар худди шундай қилади” дея мени шоколад билан сийлади. Бу менда шоколад дини – буддизмга берилсаммикин деган фикр уйғотди!

Миссиямнинг тугашига яқинроқ мени яқин атрофда жойлашган заказникка олиб боришди, ва мен ёввойи табиатдаги сайғоқдан завқланиш бахтига муяссар бўлдим. У ерда мен кичик турна, бизғалдоқ, юмронқозиқ ва, улардан бири биз билан мулоқот қилишга жуда ошиққан, бир жуфт самимий туяларни ҳам кўрдим! Поселкага қайтиб, чўл ва чўл табиатининг бор гўзаллигини тасвирлаш ниятида мен янги куч билан фрескани давом эттирдим. Охирги бир неча кун давомида фаолиятим доираси жиддий тарзда кенгайди: биз энг кичик ўқувчилар учун санъат бўйича бир



негача қувноқ семинарлар, шунингдек юқори синф ўқувчиларига деворга расм солиш имконини берган ҳолда, улар учун мастер-класслар ўтказдик. Умид қиламанки, бу тажриба ўқувчиларга қадрдон ўлкаларининг табиатини янада кўпроқ севишга имкон беради, ва, балки уларнинг кейинги ҳаётига ҳамда бўлажак профессионал фаолиятларига ҳам таъсир кўрсатар.

Ва ниҳоят, расм чизиш, суҳбатлашиш, кулги, туялар билан танишиш, сайғоқларни кузатиш ва жуда кўп бошқа ҳодисаларга тўла икки ҳафтадан кейин фреска яратиш бўйича лойиҳамиз ўз ниҳоясига етди. Мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар ва поселка аҳолиси иштирокида катта очилиш маросими бўлди. Биз совғалар улашдик ва хайрлашув олдидан бир-биримизга илиқ сўзлар айтдик. Айниқса, мактабда тозалик учун масъул бўлган ходимлар мен билан хайрлашгани ёдимда қолди. Улар меҳр билан менинг қўлларимдан, бошимдан силаб, ёқимли ва яхши сўзлар гапиришди. Мен биронта сўз ҳам тушунмадим,



Қалмиқ анъаналари билан танишув.  
© Айгуль Айтбаева

бирок уларнинг ҳислари сўзлардан ҳам аҳамиятли эди.

Мен бу лойиҳани қўллаб-қувватлаган барча ташкилотларга, шунингдек менга ишонч билдирган Э. Дж. Милнер-Гулланд ва Карлин Самуэлга, бутун Яшкўл мактабига, Анатолийга ва, улар туфайли ўзимни уйимдагидек ҳис қилган, Яшкўл поселкасининг барча аҳолисига миннатдорчилик билдираман.



Якунланди фреска. © Айгуль Айтбаева



## Янгиликлар (давоми)

### Сайғоқ куни Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Мўғулистоннинг олис бурчакларидаги инсонларни бирлаштирди

*“Сайғоқ куни” – бу 2011 йилдан бошлаб Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистонда нишонланадиган халқаро тадбир. 2016 й. Сайғоқ кунини байрам қилишга Мўғулистоннинг ёш сайғоқ ҳимоячилари қўшилди. Байрамлар сайғоқ яшаш жойларида қўзилаш даврида ўтади. Асосий мақсад – мактаб ўқувчиларида экологик маданият ва дунёқарашни шакллантириш, шунингдек катта ёшдаги аҳоли эътиборини атроф муҳит муҳофазаси муаммоларига жалб этиш, аҳолининг турли қатламларининг чўл экотизимлари, уларнинг мўртлиги ва уларни сақлашда инсон иштироки зарурлиги тўғрисида билимларини ошириш.*

#### Россия

*Евгения Самтанова ва Айгуль Айтбаева, Е.К. Хаглишева ном. Яшқўл кўп тармоқли гимназияси, [aigul-0889@mail.ru](mailto:aigul-0889@mail.ru)*

Е.К. Хаглишева ном. Яшқўл кўп тармоқли гимназияси – Россияда Сайғоқ кунини нишонлаш кашфиётчиси, 2016 йилда сайғоқни асрашга бағишланган бир қатор тадбирлар ўтказди. Масалан, Сайғоқ куни арафасида ҳар йиллик “Чўл антилопаси” ижодий ишлар танлови бўлиб ўтди. Ушбу танловдан мақсад – болаларни сайғоқни муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш зарурлигини тушунишга, табиат муҳофазасига оид ишларни фаоллаштиришга жалб этиш, табиатга нисбатан ғамхўрлик ва эътиборлиликни тарбиялаш. Танловда турли ёшдаги 60 бола қатнашди. Голибларга фахрий ёрлиқлар топширилди, шунингдек улар инглиз рассом-анималист Рори МакКенн (юқор. мақ. қар.) ўтказган деворга расм солиш бўйича лойиҳада иштирок этиш имконига эга бўлдилар.

“Тирик мерос” чўл клубининг аъзолари Гимназия ўқувчилари ва уларнинг меҳмонлари учун кичик концерт ташкиллаштирди. Клуб таркибига қирадиган “Экос” экологик агитбригада ва “Сайга” театр гуруҳи ўз янги ва қизиқарли чиқишларини намойиш этди. Шунингдек Яшқўл гимназияси ўқувчилари ва ўқитувчиларининг кучи билан поселка



аҳолиси учун хайрия концерти ўтказилди. Концертдан олинган барча пуллар Яшқўл п. касал болани даволаш учун ва кўп болали онага топширилди.

Бундан ташқари, гимназияда “Чўл куни” номли байрам бўлиб ўтиб, унда Хулхутинск, Молодеженск Яшқўл ва Черноземельск районларидаги ўқув муассасаларидан ёш экологлар, шунингдек “Чёрные земли” биосфера қўриқхонаси ходимлари, Москва, Санкт-Петербург, Казан, Королевдан келган меҳмонлар қатнашди. Қатнашчилар билан экологик ўйин ўтказилди. Сўнг Ёввойи табиат муҳофазаси маркази эксперти, б.ф.н., рассом А.Олексенко ёввойи ҳайвонлар расмини чизиш бўйича мастер-класс ўтказди. Ўқувчилар “Чўл флора ва фаунаси” фотокўргазмаси билан танишдилар.

## Ўзбекистон

*Наталья Шивалдова ва Елена Бикова, Экомактаб, Сайғоқни асраш бўйича альянс, [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)*

2016 йил май ойининг биринчи саналарида Ўзбекистонда анъанавий “Сайғоқ куни” бўлиб ўтди. Анъанавий доим бир хил дегани эмас. Болалар ва катталар учун сеvimли бўлиб қолган “Сайғоқ куни” экологик байрами Қорақалпоғистонда катта кўламда нишонланди. Унда кичикдан каттагача – мактабгача ёшдагилар ва ўрта мактаб ўқувчиларидан бошлаб, оқсоқолларгача, барча қатнашди. Бу йил сайғоқ ҳимоячилари қаторига Устюртдаги Қирқ-қиз посёлкаси яқинида жойлашган “Uz-Kor Gas Chemical” корхонаси ходимлари қўшилди. Улар байрамни катта кўламда саксовул экиш ҳамда ерларни тиклаш ва рекультивация қилиш билан нишонлади, шунингдек сайғоқни ва Устюрт платоси биохилма-хиллигини сақлаш масалаларига бағишланган конференция ўтказишди. Конференцияда нафақат мутахассис-экологлар - Uz-Kor Gas Chemical, Қорақалпоғистон Республикаси Давтабиатқўм, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати партияси ва Сайғоқни асраш бўйича альянс вакиллари, балки қадрдон ўлкасининг табиатини сақлашда манфаатдор бўлган Қирқ-қиз посёлкаси аҳолиси ҳам иштирок этди.

Байрам арафасида Жаслик посёлкасида “Сайғоқ кубоги учун” футбол бўйича ўйинлар серияси ўтказилиб, унда куч структуралари вакиллари, маҳаллий корхона ходимлари ва юқори синф ўқувчилари қатнашди. 54-сон мактаб юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари 2016 йил турнирининг ғолиби бўлишди. Футбол сайғоқни асрашга бағишланган бир қатор спорт тадбирларини очиб берди. Масалан, катталар тош кўтариш мусобақаларида ва армреслингда куч синашди. Жаслик ва Қорақалпоғистон посёлкалари мактабларида анъанавий



«Сайғоқ кубоги» учун футбол бўйича матч олдидан яхши тилаклар. © Елена Бикова

бўлиб қолган “Экологик экспресс” муваффақиятли ўтказилиб, унда болалар битта станциядан бошқасига ўтиб, экология, хорижий тиллар, санъат ва спорт соҳаларида ўз билимларини кўрсатди. Одатдагидек, қадрдон ўлкасининг қадимий анъана ва удумлари ҳақида ҳикоя қилувчи сахналар, спорт мусобақалари, шунингдек “сайғоқлар кўчиш пайтида” машхур ўйини томошабинлар эътиборини тортди. Жаслик посёлкасининг энг кичик аҳолиси – “Тулэй” Газкомпрессор станцияси васийлигидаги болалар боғчасининг тарбияланувчилари ўзларини жуда фаол кўрсатди. Тарбиячилари билан биргаликда болалар ўз “Сайғоқ куни”ни ташкил қилиб, ундан кейин сайғоқча ҳақидаги “Чўл эртаги” мультипликацион ҳикояни томоша қилишди.

Сайғоқ куни шарафига кечки шоу Жаслик посёлкасининг деярли барча аҳолисини йиғди. Мактаб ўқувчилари ва болалар боғчасининг тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури катталарнинг чиқиши ва ғолибларни тақдирлаш билан алмашиб турди. Қоронғи тушиши билан ёзги сахнада посёлка аҳолиси иштирокида ва Сайғоқни асраш бўйича альянс кўмагида ўзбек кинодокументалистлари томонидан



## Янгиликлар (давоми)



Мактаб ўқувчилари ўзлари қўғирчоқ ва декорациялар яшашни ўрганишди. © «Надежда» чўл клуби

яратилган “Сайғоқ: яшаш ҳуқуқи” янги документал фильми намойиш қилинди. Бу йил фильм XX Халқаро экологик фестивал лауреати бўлди, <http://ecofest-ugra.ru/ru/o-festivale/novosti/634>.

Қўғирчоқ театрининг намойишлари Сайғоқ Куни-2016 даги янгилик ва энг муҳим

ҳодиса бўлди. Нукусдан “Надежда” ва Жасликдан “Акбокен” Чўл клубининг аъзолари Александра Заславскаянинг “қўғирчоқ ўйнатиш” санъати бўйича мастер-классида қатнашди. Мактаб ўқувчилари мини-спектакллар тайёрлаб, ўзлари қўғирчоқ ва декорациялар яшашни ўрганишди. Бир нечта репетиция – ва ўқувчилар эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва истисносиз барча ҳайвонларга ғамхўрлик муносабатида бўлиш ҳақида ҳикоя қилувчи ҳақиқий актёрларга айланишди. Жаслик п. юқори синф битирувчилари “Ўз изингни қолдир” экологик акция доирасида эко-боғ деворини сайғоқлар ҳаётидан суратлар билан безади. “Хилма-хиллиги билан бой табиат – бу биз интилаётган идеалдир!” – таъкидлашди мактаб ўқувчилари ва Чўл клубларининг фаоллари. Барча экологик акциялар поселкаларнинг катта ёшли аҳолиси иштирокида ва фаол кўмагида ўтганини таъкидлашдан мамнунмиз.



«Тулей» Газкомпрессор станцияси васийлиги-даги болалар боғчасининг тарбияланувчилари тарбиячилари билан биргаликда ўз «Сайғоқ куни»ни ташкил қилишди. © Александр Есипов



## Қозоғистон

**Мухит Суттибаев, ҚБСА, [mukhit.suttibayev@acb.kz](mailto:mukhit.suttibayev@acb.kz)**

2016 йил май охири - июн бошида Қозоғистонда, бошқа ареал мамлакатлардаги сингари, “Сайғоқ куни” нишонланди. Анъанавий бўлиб қолган ёрқин байрам Фауна ва Флора Интернэшнл халқаро ташкилоти билан биргаликда ҚБСА томонидан Актюбинск области Шалкар районининг бешта мактабда ташкил этилган «Акбокен» сайғоқ дўстлари клуби, шунингдек 2014 йилда Сайғоқни асраш бўйича альянс ташаббуси билан Ғарбий-Қозоғистон области Казталов райони Нурсай қишлоғида ташкил этилган чўл клуби базасида ўтказилди.

Актюбинск областида “Сайғоқ куни” кун давомида байрам қилинди. Барча синф ўқувчилари танлов, ўйин, мусобақа, концерт ва сайғоқ ҳақидаги фильм намоиши билан кечган мароқли ва билим орттирувчи ҳаракатда иштирок этдилар. Тадбир сўнгида ўзини кўрсатган ва ёввойи табиат ҳақидаги ўз билимларини намоиш этган энг фаол ўқувчилар дипломлар, миннатдорчилик баён этилган хатлар ва совринлар билан тақдирланди.

“Сайғоқ куни”нинг нишонланиши Марказий Қозоғистонда, Қорғалжин давлат табиат қўриқхонасининг ташриф-маркази базасида давом этди. ҚБСА Сайғоқни асраш бўйича альянс билан биргаликда Друзба мактабининг мактаб қошидаги лагер ва Қорғалжин поселкаси мактаб-гимназия болалари учун байрам ташкиллаштирди. Илк бор чўл антилопасига бағишланган



**Болалар сайғоқ ҳақида анимацион фильмлар томоша қилишди. © АСБ**

ёрқин байрам бетпақдала популяцияси сайғоғи яшайдиган ҳудудда ўтказилган. Таътилга қарамасдан, байрам иккита мактаб бошланғич синфларининг 100дан ортиқ ўқувчиларини йиғди. Болалар ўйинларда қатнашди, сайга ҳақида анимацион фильмлар томоша қилди, расм танловида ўз маҳоратларини кўрсатди, ва викторина вақтида табиат ҳақидаги билимлари билан ўртоқлашди. Ўзини кўрсатган болалар миннатдорчилик хатлари, диплом, сайғоқ ҳақидаги комикс ва футболкалар олди.

Биз болаларга экологик билим бериш бўйича фаол иш олиб бораётган ва табиат муҳофазаси ташкилотларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаётган ўқитувчиларга миннатдорчилик билдирамыз

### Янгиликлар (давоми)

#### Мўғулистон

Буяна Чимеддорж, *WWF-Mongolia*, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)



“Инспекторнинг бир куни”нинг ёш иштирокчилари. © WWF-Mongolia

Олтой-Саян экологик регионида йўқ бўлиш хавфи остида турган мўғул сайгоғи яшайди. Сайгоқ яшайдиган районлардаги маҳаллий аҳоли бу ҳайвонни асосий “ўтлоқ” рақиби деб ҳисоблаб, унга салбий муносабатда бўлганлигини ҳисобга олсак, айнан болалар сайгоқни асраш қанчалик муҳимлигини катталарга тушунтиришга ёрдам берадиган ахборот ташувчилари бўлиб қолади. Сингапур WWF ва Silent Foundation кўмагида, унинг вазифасига табиат муҳофазаси инспекторлари ва болалар экологик клубларининг аъзолари билан биргаликда сайгоқни асраш бүйича тадбирлар ўтказилиши кирадиган “Инспекторнинг бир куни” номли янги ташаббус бошланди.

2016 й. 15 дан 22 апрелгача “Мўғул сайгоқ куни” муносабати билан, сайгоқ яшайдиган Гоби-Олтой сомонларида ва Кобдос аймақларида 1000дан кам бўлмаган болалар иштирок этган кўплаб турли тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар орасида расмлар танлови ва “Сайгоқ ҳақида ким ҳаммадан кўпроқ билади” мавзудаги викторинани алоҳида таъкидлаш лозим. Болалар клублари томонидан ташкил қилинган доира суҳбати вақтида сайгоққа солинаётган таҳдидлар ва уни

сақлашга ўқувчиларнинг ҳиссаси билан боғлиқ саволлар кўтарилди. Айрим экологик клублар дарахтлар экишни ташкил қилиб, унда маҳаллий аҳоли ва манфаатдор шахслар иштирок этди. Facebook ижтимоий тармоғида, болалар турли топшириқ ва ахборот алмашиши мумкин бўлган гуруҳ яратилди.

“Инспекторнинг бир куни” сайгоқ яшайдиган жойларга танишув экскурсиясидан бошланди. Экскурсиясида болалардан ташқари, инспекторлар, метеоролог ва бир нечта чўпонлар иштирок этиб, бу болаларга сайгоқ ҳақида тўлиқ ахборот бериш имконини берди. Метеоролог болаларга жойнинг иқлимий хусусиятлари ва сайгоқлар иқлим ўзгаришига қанчалик сезгир бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирди. Инспекторлар ҳақиқий кун қахрамони бўлишди: улар ҳайвонлар мониторингини қандай юритиш, уй ҳайвонлари таъсирида сайгоқларнинг яшаш жойлари қандай ўзгаришини кузатиш, GPSдан қандай фойдаланиш ҳақида кўп гапиришди. Гоби-Олтой аймағи, Тугруг сомонидан сайгоқларни сақлаш бүйича инспекторнинг ўғли Батзайя, мактаб таътиллари вақтида



Инспектор болаларга GPS-навигатордан фойдаланишни ўргатапти. © WWF-Mongolia

ўз отаси билан шуғулланган сайғоқ мониторингини ўтказиш, патруллик қилиш ва популяция сонини баҳолаш бўйича тажрибаси билан ўртоқлашди.

Шуни таъкидлаш керакки, WWF мўғул бўлими болалар экологик клубларининг йўқ бўлиш хавфи остида турган мўғул

сайғоғини муҳофаза қилишга қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолайди. Кўплаб манфаатдор шахсларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли сўнгги ўн йилликларда сайғоқ популяцияси 5 000дан тахминан 14 000 бошгача кўпайди, ареал майдони эса 13%га ортди.

## Экологик лагерлар: болаларни табиат муҳофазаси ишига жалб қилишни кучайтириш

**Қозоғистон: Қозоғистондаги «Сайғоқ дўстлари» клубининг биринчи билим бериш лагери.**

*Кривошеева Алёна, Қозоғистон Биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси, [alyona.krivosheeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheeva@acbk.kz)*

Сўнгги йиллар давомида Қозоғистоннинг турли районларида чўл экологик клублари очила бошлади. Посёлка мактаблари базасида бундай клублар тармоғини ташкил қилиш ва ривожлантиришдан асосий мақсад – сайғоқни асраш масалаларига алоҳида урғу берган ҳолда, маҳаллий болалар ва ўсмирларга экологик таълим бериш. Чўл антилопаларининг устюрт популяцияси ҳозирда энг нозик ва кам сонли эканлиги маълум, шунинг учун ушбу региондаги браконьерликка қарши курашиш муаммоларини, сайғоқлар муҳофазасини, шу жумладан маҳаллий аҳоли томонидан ҳам кучайтириш зарурлигини ёритишга қаратилган иш устувор ишлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун биз Устюрт платосидаги қишлоқларда яшайдиган болалар учун сайғоқ дўстлари клубларининг ёзги дала лагерини ташкиллаштириш ва ўтказишга қарор қилдик.

11 дан 14 ёшгача 15та бола Шалқар райони Аққайтим, Байқадам ва Бозой қишлоқлари, Шалқар шаҳрининг “Сайғоқ

дўстлари” чўл клубларининг раҳбарлари билан биргаликда Фауна ва Флора Интернешнл (FFI) кўмагида ҚБСА томонидан ташкил қилинган биринчи дала лагеридида қатнашишга таклиф этилди. 27 июндан 1 июлгача даврда Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати ҳудудида жойлашган Малайдар кўли атрофида биринчи смена ўтказилиб, унда болалар биринчи навбатда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан танишиш имконига эга бўлдилар. Лагер ташкилотчилари ўз олдига болаларда экологик маданият шакллантиришга кўмаклашиш, шунингдек кейинчалик биргаликда фаолият юритиш учун “Сайга дўстлари” клубларининг аъзоларини бирлаштириш вазифасини қўйган. Буларнинг барчасидан ташқари, лагер Устюрт экологик клубларининг раҳбарларини йиғишга, иш йўналишларини



Болалар мукофотлаш маросимидан сўнг.  
© ҚБСА



### Янгиликлар (давоми)



“Иргиз-Тўрғай” резерватида қушларни кузатиш. © ҚБСА

муҳокама қилиш ва тегишли дастур ишлаб чиқишга, орттирилган тажриба билан алмашиш ва эришилган ютуқлар ҳақида сўзлаб беришга имкон берди. Болалар жуда тез тил топишиб кетдилар, улар ўз клубларида муҳокама қилган муаммолар эса узоқ муддатли ва қизиқарли фикр алмашиш ва кейинги дўстлашиш жараёнининг бошланиши бўлди.

Лагер дастури турли компонентларни ўз ичига олган: кўнгил очар ва таълим берадиган ўйинлар, лекция ва дискуссиялар, сайфоқлар ҳақида фильмлар кўриш, амалий машғулотлар. Биринчи кун иштирокчилар Иргиз-Тўрғай резерватининг ташриф-марказида бўлиб, экологик таълим ва туризм бўлими ходимлари резерват, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий ва маданий ҳодисалар ҳақида батафсил сўзлаб



Кечқурун гулхан ёнида. © ҚБСА

бердилар. Кейинги кунларнинг бирида резерват ходимлари болалар учун гербарий ва ҳашаротлар коллекциясини йиғиш бўйича ўргатувчи семинар ташкил қилишди. Лагернинг бир куни тўлиқ қушларни кузатишга бағишланди. Лагердан яқинда жойлашган кўллар сувда ва сув яқинида яшайдиган қуш турларини кузатиш учун жуда яхши жой бўлди. Болалар нафақат ҳар хил қуш турларининг табиатда ўзини тутишини кузатди, балки махсус қоғозларни – уларнинг ҳар бири айнан қайси турларни учратганини эслаб қолишлари учун қушларни рўйхатга олиш варағини тўлдирди. Жами кун якуни бўйича 16та қуш турининг 232 зоти қайд қилиниб,



Шўх флэш-моб. © ҚБСА

улар орасида иккита Қизил китоб турлари учраган: қиронқора ва жингалак сақоқуш. Бироқ асосий совға иштирокчиларни лагерга қайтиш йўлида кутар эди. Зта урғочи сайфоқ иккита боласи билан шундоқ машина олдидан югуриб ўтди! Бу ҳайвонни аввал ҳеч қачон кўрмаган болалар ҳайратга тушди ва қувонди – улар сақланиши зарурлиги ҳақида кўп эшитган ва ўзлари ҳам гапирган, чўл антилопаларини кўра олишди! Яна экскурсиялардан бирининг давомида лагер иштирокчилари “Жаманшин” метеорит кратерига боришди. Жуда кенг тарқалган тахминга кўра, кратер Ерга диаметри 200 дан 400 метргача бўлган, портлаш вақтида йўқ бўлиб кетган метеорит (эҳтимол, астероид, комета ядроси ва ҳ.к.) тушиши натижасида ҳосил

бўлган. Бевосита портлашдан кейин кратер чуқурлиги камида 500 метр бўлган.

Дала лагерининг барча иштирокчиларига совғага футболка, бейсболка, таълим бериш материаллари ва бошқа эсдалик совғалари топширилди. Бироқ энг асосийси – болалар лагерининг ўз муҳитидан, тенгдошлари билан мулоқотдан, амалий машғулотлардан, чўлнинг ҳайвонот дунёсини кузатишдан унутилмас таассуротлар олишди. Табиат билан мулоқотнинг айнан шундай тажрибаси болаларга келажакда она ер табиатини сақлаш учун масъулиятни ўз зиммаларига олишга ёрдам беришига ишонамиз.

## Ўзбекистон: Ёш табиат ҳимоячиларининг устахонаси

**Наталья Шивалдова, Экомактаб ННТ,**  
[nshivaldova@mail.ru](mailto:nshivaldova@mail.ru)

Ўтаётган ёзнинг сўнгги ҳафтасида Қорақалпоғистон Чўл клубларининг болалари янги ўқув йилида кейинги фаолият учун Чотқол биосфера қўриқхонасидан узоқ бўлмаган тоғли манзарали жойда жойлашган “Сайгачий-2016” экологик лагерида фикр алмашиш ва янги импульс олиш имконига эга бўлдилар. Хушбўй тоғ ўтларининг ифори, соф тоғ ҳавоси ва булоқ суви, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплиги, гўзал тоғ кўли ёш экологларга табиатни янада кўпроқ севишга ва ўзлари учун кўп



Эко-лагер очилиши © Александр Есипов



Тоғларга сафар. © Наталья Шивалдова

янги нарсаларни очишга ёрдам берди.

Экологик лагер дастури мазмунга бой бўлди. Бу йил экскурсия, табиатдаги машғулот ва ўйинлардан ташқари, учта секция фаолият юритиб, уларда болалар машғулотларни ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда танлаши мумкин эди. Татьяна Грицина раҳбарлигидаги “Экодизайн” секциясида болалар исталган, ҳатто энг оддий предметда ҳам, сой тубидан олинган оддий шағал ҳам бадиий ижод учун асос бўлиши, оддий бўялган қум эса, улар ёрдамида ажойиб қум суратлари яратилган, ранг-баранг палитрага айланиши мумкин бўлган тақдорланмас АРТ-объектни кўришни ўрганишди. “Экодизайн” секцияси ишларининг натижаси бўйича кўргазма тайёрланди.

“Экологик театр” кўғирчоқ спектаклини кўйишда болаларга ўз артистик истеъдодларини намоён этишга имкон берди. Мураббий Александра Заславская билан бирга болалар сценарий ишлаб чиқишда илк қадамларини кўйди. Ҳар бир иштирокчи эртақнинг ўз версиясини таклиф қилиб, унинг қисмлари албатта умумий сюжетда ўз аксини топди. Сюжет унинг атрофида ривожланган асосий мавзу 2016 йил 22 июнда Қорақалпоғистонда расмий очилган (юқор.мақ.қар.) “Сайгачий” янги ландшафтли заказник мавзуси танланди. Сайғоқни браконьерликдан ҳимоя қилиш



### Янгиликлар (давоми)

мавзуси ҳам долзарб бўлиб қолди. Эртақда кўп ўзгача қахрамонлар, ажойиб ўзгаришлар, сеҳргарликлар, яхшилик ва ёвузлик кураши бўлиб, албатта дўстлик ва яхшилик голиб бўлади. “Экологик театр”да қўғирчоқларнинг ўзини ясаш бүйича ҳам мастер-класслар бўлди. Қўғирчоқ спектаклининг намоёниши ҳеч кимни беэътибор қолдирмади. Биз, педагоглар эса, экологик қўғирчоқ театри каби ижодий жанрнинг қудратли тарбиявий-маърифий кучига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Болалар экологик лагерида рўй бераётган барча ҳодисаларни ёш эко-журналистлар, қизиқишлар бүйича учинчи секция иштирокчилари диққат билан кузатишди. Ўрганувчи журналистлар журналистлик касбидаги жанрлар ҳақида билим олиб, мақолача, интервью, видео- ва фоторепортажлар тайёрлашни ўрганишди, сўнг ўз ижодий топшириқларини бажаришга ва ахборотли деворий газета учун материал йиғишга киришишди.

Ўқитувчилар ҳам, бажарилиши янги ўқув йилида экологик клубларда кейинги (масалан, “Кўчувчи ҳайвонлар куни”, “Қўриқхоналар куни”, “Сайғоқ куни” каби) тадбирларни амалга ошириш учун яхши захира бўлган топшириқлар олишди. Сув кунига бағишланган, экологик лагернинг барча иштирокчилари учун унутилмас ҳодиса “Нептун байрами”, экологик ташкил этувчи билан байрамни ишлаб чиқиш ва ўтказишга ёрқин мисол бўлди. Байрам мавзуси Орол денгизининг фожиаси билан боғлиқ. Болалар сув ҳукмдори Нептун ва бошқа эртақ қахрамонлари билан бирга Оролни қутқариш ечимини топишди. Экологик лагерда барча кунлар мавзули бўлди: Биологик хилма-хиллик куни, Табиат ҳимоячиси куни, Тоза ҳаво ва соғлиқ куни, Сув куни ва Дўстлик куни.

Ташкилотчилар ўқитиш норасмий вазиятда, ҳаяжонли ва қизиқарли ўтиши учун ҳаракат қилишди. “Экотизим”, “Йиртқичлар ва қурбонлар” каби экологик ўйин ва машқлар, шунингдек лагер ташкилотчилари



Нептун кунини нишонлаш. © Оля Есипова



томонидан “Ўқитувчилар учун таълим бериш” дастури доирасида Ҳайвонот боғида ва Сан-Диего Сафари-Паркида ўқитиш вақтида қўлланган фойдали маслаҳат ва кўникмалар ўзини жуда яхши кўрсатди. Шунингдек Сан-Диеголик ҳамкасблар ёрдамида, рус вариантларини Сайғоқ бўйича ресурс марказининг <http://www.saigaresourcecentre.com> сайтида топиш ёки SCAга расмий сўров бўйича олиш мумкин бўлган, ўқитувчи учун методик қўлланма ва ўқувчи учун “Сайғоқ – чўл руҳи” фаол дарслик ишлаб чиқилди ва синаб кўрилди.

“Сайгачий-2016” экологик лагерининг барча ўн куни бир лаҳзадек ўтиб кетди. Болалар ва ўқитувчилар ўз посёлкаларига муҳим ахборотга ва ёрқин таассуротларга тўлиб, энг муҳими эса – сайғоқни ҳимоя қилиш

ишига қўлдан келган ўз ҳиссаларини қўшиш истаги билан қайтишди.

Экологик лагер Ўзбекистонда иккинчи йил ўтказилиши. Маълум тажриба орттирилган, таълим бериш усуллари ва тарбиявий ёндашувлар яхши ўрганилган, ташаббускор-ҳамкасбларнинг ижодий аҳил командаси юзага келган. Бунда, экологик лагер ташкил қилинишида “Баркамол Авлод” Республика Болалар Ўлкашунослик ва Экология Маркази (ЎзР Халқ таълими вазирлиги); “Екомактаб” Экология-ресурс маркази каби партнёр ташкилотларнинг, ЎзР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти экспертларининг иштироки ва ёрдами, ва албатта барча Чўл клублари учун жуда муҳим ва долзарб бўлган Канада Дисней фондининг Пингвин Клуби ҳамда Сайғоқни асраш бўйича альянс қўмагини алоҳида



«Сайгачий - 2016» эко-лагерининг иштирокчилари. © Александр Есипов

## Матбуотдан

кўрсатиб ўтиш керак.

### Қозоғистонда сайғоқларни ноқонуний отиш учун 20та жиноий иш қўзғатилди

ҚР ҚХВ Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами қўмитаси раисининг ўринбосари Нариман Жунусов айтишича, табиат муҳофазасига оид қонунни бузувчи шахсларни аниқлаш ва уларни қўлга олиш жиҳатдан Қозоғистонда маълум муваффақиятлар мавжуд. “2014 йилда сайғоқларни ноқонуний отиш учун 79та жиноий иш қўзғатилган, 2015 йилда – 107та, мусодара қилинган шохлар сони эса 3000 донадан ошди. 2016 йил бошидаёқ 20та жиноий иш қўзғатилиб, 600га яқин сайғоқ шохлари мусодара қилинган. Сайғоқ муҳофазасида ҳам, кўпроқ тегишли хизматларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш ҳисобига ўзгаришлар сезиларли. Мисол учун бу йил “Охотзоопром” РГКП юқори ўтиш қобилиятига эга янги автомобиллар билан таъминланиб, энди улар тезлик ва манёврларда браконьерлардан қолишмай, улар билан муносиб курашиши мумкин”. Батафсилроқ [http://bnews.kz/ru/news/proisshestiya/s\\_nachala\\_goda\\_v\\_kazahstane\\_zavedeno\\_20\\_ugolovnih\\_del\\_za\\_nezakonnii\\_otstrel\\_saigi-2016\\_05\\_04-1269907](http://bnews.kz/ru/news/proisshestiya/s_nachala_goda_v_kazahstane_zavedeno_20_ugolovnih_del_za_nezakonnii_otstrel_saigi-2016_05_04-1269907) да.

### Фарғонада, Ўзбекистон, сайғоқ шохлари ва терисининг йирик партияси олиб қўйилди

Давлат божхона қўмитасининг хабарига кўра Фарғона вилояти бўйича Ўзбекистондан йирик партияда сайғоқ шохлари контрабандасининг олди олинди.

Бошқарма ходимлари томонидан Миллий хавфсизлик хизмати вакиллари билан биргаликда ўтказилган оператив чоралари натижасида Фарғона омборхоналаридан бирида 468 дона сайғоқ шохлари ва 72та шох бўлаклари, шунингдек шу



Фарғонадаги омборхонада топилган шохлар.  
© gazeta.uz

ҳайвонларнинг 170та териси топилди.

Тергов ишлари мамлакатдан четга ноқонуний олиб чиқиб кетиш учун мўлжалланган шохлар ва терилар Сох туманида яшайдиган шахсга тегишли эканлигини кўрсатди. Дастлаб маълумотларга кўра уларнинг белгиланган нархи 148 млн сўм (46,879 АҚШ долл.яқ.). Батафсилроқ <https://www.gazeta.uz/2016/07/14/saygak/>да.

### Хитойда сайғоқ шохларининг катта партияси мусодара қилинди

2016 йил бошида ўрмон полициясининг Пекин, Сючуань ва Синьцзян бюросининг 6-ойлик тергов ишларидан сўнг 1502.25 кг сайғоқ шохлари мусодара қилиниб, 12та гумон қилинган шахс ҳибсга олинди. Мусодара қилинган шохларнинг бозор нархи 320 миллион юанга (46,625,824.00



© CCTV



АҚШ долл.) баҳоланади. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган Синьцзян хитой провинциясининг Урумчи ва Или шаҳарларида сайғоқ шохларининг катта миқдори топилгандан кейин, бу иш илк бор Синьцзян автоном райони Ўрмон хўжалиги бошқармасига кўриб чиқиш учун юборилган эди. Давлат органлари ҳали ҳам ушбу ишни тергов қилиш билан шуғулланмоқда. Қўшимча ахборот ҳали тақдим этилмади.

<http://v.ifeng.com/news/society/201609/01cb9225-754b-11e6-86e6->



## Мақолалар

### Ғарбий Мўғулистонда сайғоқлар тарқалиши ва кўчишига антропоген омиллар таъсири

*Буйана Чимеддорж<sup>1</sup>, Эрденебаттар Сергелен<sup>1</sup>, Байарбаттар Бувеибатар<sup>2</sup>*


*1- WWF-Мўғулистон, 2 - WCS-Мўғулистон*

[002590c2aaeb.shtml](#)

Мўғул сайғоғи (*Saiga tatarica mongolica*) Ғарбий Мўғулистон ҳудудида тўртта субпопуляцияни ташкил қилади. МСОП ушбу турга “йўқ бўлиш хавфи остида турган” мақомини берган. Экин майдонларининг кенгайтирилиши, озиқ-овқат бўйича сайғоқнинг асосий рақиби – қорамол сонининг кўпайтирилиши, шунингдек қуруқ ёздан кейин келадиган қаттиқ қишлар кичик тур учун асосий таҳдид ҳисобланади. Шунга қарамасдан, сўнгги бир неча йилларда муҳофаза чораларининг кучайтирилиши ва қулай иқлимий шароитлар туфайли мўғул сайғоғининг популяцияси кўпайди. 2014 йилда ўтказилган сўнгги баҳоларга кўра сайғоқ популяциясининг сони тахминан 15 000 зотни ташкил қилади.

Гоби-Олтой ва Кобдос аймақларининг ҳудудларини бирлаштирадиган, узунлиги 263 км бўлган автойул участкасида ҳозирги пайтда йўл қопламасини

яхшилаш билан боғлиқ катта кўламдаги реконструкция ишлари ўтказилмоқда. Асфальт қопламага эга бўлгандан сўнг бу



1-расм. Шаргин- ва Хуйсин-Гобида 2015 й. октябрдан 2016 й. июлгача даврда тутилган сайғоқларнинг (сони = 7) силжиши.



## Мақолалар (давоми)

**1-жадвал. Жониворлар жойлашган нуқталар, улар ҳар 2 соатда ўтадиган масофалар (км да), ва ҳар бир жонивор учун шахсий яшаш участкаси (МВМ – Минимал бўртиб чиққан кўпбурчак). Маълумотлар 10 ой давомида (2015 й. октябрдан 2016 й. июлгача) Фарбий Мўғулистон ҳудудида GPS-бўйинбоғлар тақилган жониворлардан олинган.**

Бўйинбоғ ўрнатилган жой	Бўйинбоғ №	Кузатиш даври	Жойлашган нуқталар сони	Ўтиладиган масофа, $X \pm m$	100% МВМ, км <sup>2</sup>
«Шарга»	62063790	09/30/15 - 10/15/15	182 *	$0.98 \pm 1.11$	184
	62068770	09/30/15 - 07/06/16	3358	$0.55 \pm 0.73$	1,115
	62670350	09/30/15 - 09/30/16	3357	$0.79 \pm 1.06$	2,268
	62676340	09/30/15 - 05/28/16	2895	$0.61 \pm 0.88$	2,967
Хуйсин	62060790	10/01/15 - 07/06/16	3358	$0.84 \pm 1.16$	7,81
	62673340	10/02/15 - 07/07/16	3356	$0.79 \pm 1.12$	4,918
	62679330	10/02/15 - 07/07/16	3351	$0.72 \pm 0.99$	2,611
	62679340	10/02/15 - 07/08/16	2875	$0.68 \pm 0.98$	6,403

**\* Сигналлар ундан фақат 15 кун давомида келиб тушган зот**

йўл маҳаллий аҳолининг савдо, таълим ва соғломлаштириш марказларига боришини осонлаштириб, уларнинг ҳаёт даражасини кўтарди. Бошқа томондан, айнан, сайфоқнинг асосий яшаш жойларидан бири бўлган, Хуйсин-Гоби ҳудудидан ўтадиган йўл участкасининг очиқлиги, ҳайвонлар силжишини қийинлаштириб, тўғридан-тўғри ёки қисман уларнинг ареал майдонини қисқартирган ва сайфоқ яшаш жойларига етиш қулайлиги ҳисобига ноқонуний ов даражасини оширган ҳолда, бу тур популяциясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Фақат тегишлича мониторинг мавжуд бўлганда популяцияни самарали бошқариш ва йўлнинг салбий таъсирини камайтириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотимиз мақсади, йўлдош телеметрияси усулидан фойдаланиб, Фарбий Мўғулистонда сайфоқлар тарқалиши ва силжишига асфальт йўлнинг таъсирини ўрганиш эди.

2015 й. 30 сентябрдан 2 октябргача даврда биз Sirtrack - Pinnacle Iridium


Lite G5C 275F GPS-бўйинбоғлар билан Шаргин- ва Хуйсин-Гоби ҳудудида 8та ҳайвонни белгиладик (1-расм). Ҳар 2 соатда бўйинбоғлар ҳайвонларнинг жойлашган нуқталарини қайд қилиб, тегишли сигналлар юборди. Ҳайвонларни тутиш пайтидан ўтган ўн ойлик даврда 2016 й. июлгача ҳайвонларнинг 22 732 жойлашган нуқталари қайд қилиниб, бу ўрта ҳисобда ҳар бир ҳайвон учун  $3 221 \pm 229$  нуқтани ташкил қилди (lim 2 875-3 358). Сигналлар ундан фақат 15 кун давомида келиб тушган ҳар бир ҳайвон бўйича GPS-маълумотлар сайфоқларинг жойга нисбатан тақсимланиши ва силжишининг таҳлилига киритилмаган. 7 006 нуқта (умумий миқдордан ~ 69%) “Шарга” кўриқхонаси ҳудудида (Шаргин-Гоби ҳудуди) тўртта ҳайвоннинг барчасидан бутун кузатув давомида қайд қилинган (1-расм). Шаргин- ва Хуйсин-Гоби районларидаги сайфоқ субпопуляцияларини боғловчи янги миграцион маршрутни қайд қилиш имкони бўлмади. Бу маршрут, олдин

GPS-бўйинбоғлар ёрдамида аниқланган (Berger et al. 2008) кўчиш коридорларининг альтернативаси ҳисобланади.

2 соатда максимал ўтилган масофа 5 дан 14 км гача ўзгарган вақтда, сайғоқлар билан 2 соатда ўртача ўтилган масофа  $0,71 \pm 0,99$  км ташкил этди (1-жадв.). Жониворларнинг силжиш масофаларини солиштирганда Хуйсин-Гоби ( $0,77$  км) ва Шаргин Гоби ( $0,65$  км;  $t = -7.74$ ,  $p < 0.001$ ) ҳайвонлар ўртасида жиддий фарқ аниқланди. Бутун кузатувлар даврида ҳар бир жонивор билан ўтилган ўртача масофа  $2\,300 \pm 436$  км ( $lim = 1\,752 - 2\,822$  км)ни ташкил қилди.

Сайғоқлар унинг чегарасида силжиган ҳудуд ўлчами 7 баробардан кўпга (1 115 дан 7 810 км<sup>2</sup>гача; ўрта ҳисобда 4 013 км<sup>2</sup>; 1-жадв.) вариацияланган. 1). Силжиш ҳудудининг ўртача ўлчами, камроқ антропоген таъсир билан тавсифланадиган (Крускалл-Уоллис тести:  $N = 9.34$ ,  $p < 0.05$ ) Шаргин-Гоби провинциясидаги ҳайвонларниқига (2 117 км<sup>2</sup>) нисбатан Хуйсин-Гобидаги сайғоқларниқига (5 436 км<sup>2</sup>) анча катта бўлиб чиқди. Ҳайвонлар ва асфальт қопламали йўл ўртасидаги масофа бутун вақт давомида ҳар ой ўзгарди (бир томонлама дисперсион таҳлил:  $F = 25.37$ ,  $p < 0.001$ ): энг кичик масофа февралда, энг катта масофа эса- 2016 й. июлда қайд қилинган (2-расм).

Тадқиқотларимиз, асосан, Хуйсин-Гобида майдан октябргача давом этган йўл қурилиш ишлари билан боғлиқ бўлган, антропоген омил, сайғоқни йўл қуриладиётган



2-расм. 2015 й. октябрдан 2016 й. июлгача даврда қайдланган, сайғоқларнинг Хуйсин-Гобидаги қаттиқ қопламали йўлга яқинлашиш масофаларидаги ҳар ойлик ўзгаришлар.

жойдан узоқроққа кетишга мажбур қилиб, унинг тарқалишига салбий таъсир қилганлигини кўрсатди.

Келажакда биз ҳайвонларнинг йил мавсуми, экологик ва антропоген омиллар таъсирига боғлиқ ҳолда силжиши бўйича маълумотлар таҳлилинини ўтказишни режалаштиряпмиз, бу эса бизга сайғоқлар силжишига, шунингдек уларнинг силжиш ҳудудларининг ўлчами ва тарқалиш майдонига таъсир кўрсатувчи бошқа муҳим омилларни аниқлашга имкон беради. Камида кетма-кет икки йил давомида ҳайвонларнинг кўпроқ сони силжиши ҳам кузатилади, ва бу экологик ва антропоген омиллар таъсирига (хусусан, йўл қурилишидан) боғлиқ ҳолда ҳар йиллик силжиш ва яшаш жойларидаги фарқларни яхшироқ тушунишга имкон беради.

## Мақолалар (давоми)

### Қозоғистонда 2016 й. сайғоқларни авиаҳисобга олиш натижалари

*Штеффен Цутер ва Альберт Салемгареев*

Қозоғистон Биохилма-хиллигини асраш ассоциацияси, [steffen.zuther@acbk.kz](mailto:steffen.zuther@acbk.kz), [albert.salemgareev@acbk.kz](mailto:albert.salemgareev@acbk.kz)

2016 йил 18 апрелдан 3 майгача “Қозоғистон Биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси” (ҚБСА) РОО томонидан Қозоғистон ҳудудида яшайдиган барча учта - бетпақдала, урал ва устюрт популяцияси сайғоқларини авиаҳисобга олиш ўтказилди. Ишлар ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами қўмитасининг буюртмасига кўра “Охотзоопром” ПО” ва “Казавиаспас” АЖ билан биргаликда ўтказилди. Авиаҳисобга олишда шунингдек ўрмон хўжалиги ва ҳайвонот олами ҳудудий инспекцияларининг вакиллари ва “Олтин Дала” давлат табиат резервати, Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати ва Қорғалжин давлат табиат қўриқхонаси каби АҚТХ ходимлари қатнашди.

Авиаҳисобга олиш натижаларига асосан ҚР ҳудудидаги сайғоқларнинг умумий сони 2016 йилда 108 300 зотни ташкил этди, шу жумладан бетпақдала популяциясида – 36 200 зот, урал популяциясида - 70 200 ва устюрт популяциясида – 1 900 зот.



Олинган маълумотлар урал ва устюрт популяцияларининг сони кўпайганлигидан далолат беради. Шу билан бирга бетпақдала популяцияси сонининг, 2015 й. майда содир бўлган сайғоқларнинг ялпи ўлиmidан кейин тиклана олмаганлиги билан боғлиқ камайиши кузатилган. Бироқ, тур биологиясини ҳисобга олганда, бу аввал дунёдаги энг йирик бўлган сайғоқлар популяцияси тез тикланиш имконига эга.

Урал популяциясида барқарор ўсиш кузатилмоқда – тахм. 35%, ва бугунги кунда, ҳисоблаш натижаларига кўра, у энг кўп сонли популяция ҳисобланади. Бундай ўсиш миқдори бетпақдала популяциясига ҳам хос бўлган, ва бундан чиқди уни, қаттиқ қишлар ва фаол овлаш бўлмаган, нисбатан нормал шароитларда яшайдиган сайғоқлар популяцияси учун одатий деб кўрилиши мумкин.

Сайғоқларнинг устюрт популяцияси, аввалгидек, энг заиф бўлиб қолмоқда. Сон қисқаришининг асосий сабаби – браконьерлик. Бироқ, сўнгги ҳисобга олиш маълумотлари кўрсатганидек, популяция кейинги кўпайиш учун эркаларнинг катта бўлмасада, етарли сонига эга. Популяция





сони камаймаяпти, бироқ ҳали ҳам жуда паст даражада.

2016 йилдаги авиаҳисобга олишнинг ўзига хослиги Ан-2 самолети ўрнига янги ҳаво кемаси (ХК) - Eurocopter 145 вертолети қўллангани. Бу ўзгариш авиаҳисобга олиш тасдиқланган усулият бўйича ўтишига қаратилган айрим масалалар ҳал қилинишини талаб этди. Хусусан, ҳисобга олувчиларнинг ҳаво кемаси бортида, иллюминатордан кузатиш доираси кенгроқлиги, бошқа, ҳозирча нооптимал алоқа тизими ва ҳисобга олувчилар сони чегараланганлиги билан боғлиқ, ўзларини тутиши ҳақида сўз бормоқда. Бундан ташқари, ҳисобга олиш полосаларининг маркерларини маҳкамлаш ва учиш давомийлигининг чегараланганлиги билан боғлиқ техник муаммолар ҳал қилинди. Бироқ бу масалалар янги маҳкамлаш тизимидан фойдаланиш ва вертолетга чўлда тўғри ҳисобга олиш маршрутларида



Ҳисобга олувчилар командаси. © ҚБСА

ёқилғи қуйиш ҳисобига (бунинг учун бензовозлар алоҳида жалб қилинди) оператив ҳал қилинди. Барча юзага келган муаммолар оператив ва муваффақиятли ҳал қилинганлиги туфайли, авиаҳисобга олиш тўлиқ тасдиқланган усулиятга мувофиқ ўтказилди, ва шунинг учун 2016 й. авиаҳисобга олиш натижалари олдинги йилларнинг натижалари билан бемалол солиштирилиши мумкин.

## Баҳор ташвишлари – “Степной” заказниги

*Владимир Калмиков<sup>1</sup>, Мария Воронцова<sup>2</sup>*

*1-“Степной” заказниги, [limstepnoi@mail.ru](mailto:limstepnoi@mail.ru); 2 -IFAW Халқаро ҳайвонларни ҳимоялаш фондининг Россия бўлими, [mvorontsova@ifaw.org](mailto:mvorontsova@ifaw.org)*

Баҳор. Чўл тез яшил тусга кира бошлайди, алоҳида майдонларда эса ҳақиқий гулзорлар пайдо бўлади. Қушлар ўз ватанига қайтади, ва чўл уларнинг чуғур-чуғурига тўлади. Бироқ энг асосийси – “Степной” заказниги ҳудудида сайғоқчалар дунёга кела бошлайдиган вақт яқинлашяпти. Бу, Заказник ходимлари алоҳида пухталиқ билан тайёрланган ўн олтинчи “қўзилаш”.

Майдони 54 минг. га бўлган Заказник ҳудудида расмий белгиланган “Сайғоқнинг қайта тикланиш зонаси” – айнан йилдан йилга май ойида сайғоқлар келадиган жой. Жониворлар учун бу жуда оғир даврда уларнинг тинчлигини таъминлаш

мақсадида ва Астрахан области Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизматидан олинган кўрсатмаларга асосан, “Қайта тикланиш зонаси” ҳудудидан ўтадиган барча йўлларда ҳаракат чегараланди, у ерда, матни йўлдан ўтувчиларни сайғоқнинг қўзилаши туфайли йўлдаги ҳаракат вақтинча ёпилганлиги ҳақида хабардор қилувчи “ахборотли белгилар” ўрнатилди. Заказник ҳудудида янги ҳаёт туғилиш мўжизасини кутиш ҳисси пайдо бўлиб, қўзилашга ҳамма нарса тайёрдек туюларди. Бироқ сайғоқлар астрахан чўлларининг сайғоқчалар дунёга келиши керак бўлган ўша кичик бўлагини ҳеч қатъий танлай олмасди. Бироқ туб жойли

### Мақолалар (давоми)



ИПЭЭ РАН ходими Хосе Антонио Эрнандес Бланко учирган учувчисиз самолётдан “Степной” Заказниги кордонининг кўриниши

одамлар ҳам эслай олмайдиган об-ҳаво ҳаммасини мураккаблаштирарди. Бўрондек шамол, чўл йўлларини кўпроқ Венеция каналларига ўхшаш қилган жуда кучли жала, чўлнинг сув босган катта майдонлари – буларнинг барчаси хавотирли кутишдан қотиб қолган сайғоқларни ҳам, одамларни ҳам кўрқитарди.

Ҳеч нарсага қарамасдан, сайғоқлар туғруқхона учун бир-биридан тахминан 20 км да бўлган икки участкани танлади. У ерда қўзилаш учун, визуал баҳога кўра, афтидан об-ҳаво яхшиланишини кутаётган жами 2500 га яқин урғочи сайғоқлар тўпланди. Ва ниҳоят 2016 йил 18 майда чарақлаган ва ёзги каби иссиқ қуёш ва енгил шабада ерни тез қурита бошлади, куннинг иккинчи ярмида эса бутун чўл ўзига хос товушларга тўлди – бу янги туғилган сайғоқчалар ўз оналарига овоз бериб туришарди.

Бу йил ҳатто илмий мақсадлар учун ҳам, қўзилайдиган тўдаларни безовта қилишга йўл қўймаслик ҳақида қарор қабул қилинди. Қўзилаш баравар (деярли бир ҳафтада) ўтди, урғочи ва янги туғилган сайғоқлар ўлими эса, кузатишимизга кўра жуда паст бўлди. Узоқдан сайғоқлар қўзилайдиган жойларга мунтазам учиб келадиган, биз

кузатган калхатларнинг ўзини тутиши ҳам бундан далолат беради, - улар, асосан, йўлдош ейиш билан кифояланди. Сайғоқчаларга бошқа йиртқичлар ҳамла қилгани ҳам кузатилмади. Буларнинг барчаси 2016 йилда популяциянинг анча кўпайишига умид беради.

Заказникда ҳаёт қизғин кетмоқда: яқинда дунёга келган тулки, бўри, қуён болалари ўйнаяпти; инларда йиртқич қуш болалари ўсяпти, турначалар эса аста-секин ота-оналари кетидан лапанглаб юрипти. Ва буларнинг барчаси ёрқин-яшил гуллаётган чўл бағрида. Чўл идиллияси! Бироқ озгина вақт ўтиб, кўзни қувонтираётган бу сурат жиддийроқ пейзажларга алмашади – рангли баҳор гилами сариқ ва ҳатто кўринишидан қаттиқ юзага айланиб, бу ҳам табиат (масалан, қуруқ момақалдиروқдан), ҳам, чўлнинг барча катта майдонлари унда яшовчилар билан бирга ёниб кетиши мумкин бўлган инсон сабаби билан бўладиган ёнғинлар мавсуми бошланишидан дарак беради. Мумкин бўлган ёнғинлардан зарарни минималлаштириш учун Заказник ходимлари йўлларни тозалаб, ёнғин хавфи катта бўлган участкаларни ҳайдаб чиқдилар. Астрахан области Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш област хизмати ва IFAW Халқаро ҳайвонларни ҳимоялаш фонди Россия бўлимининг кўмаги туфайли бундай



Степной инспекторларининг бригадаси.  
© Николай Юденко



Сайгоқлар оиласи. © Андрей Гилёв

ишларни бажаришга имкон яратилди. Шунингдек ёнғиннинг олдини олиш ва уни ўчиришда, сўнгги йилларда Заказник ходимларида улар билан табиатни, қадрдон ўлкасини севиш, бир-бирини қўллаш ва бир-бирини тушунишга асосланган муносабатлар юзага келган, фермерлар кўрсатаётган ёрдамга ҳам ортиқча баҳо бериш мушкул. Ишончимиз комилки, бундай қўллаб-қувватлашда ва умумий куч билан Заказнигимизда яшайдиган жониворларни ҳимоя қила оламиз.

Матн сўнгида Астрахан области Табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизматининг раҳбариятига Заказника қаратилаётган доимий эътибор учун, шунингдек, улар туфайли биз бу йил кўп нарса қила олган, ҳамкасбларимиз ва партнерларимизга катта миннатдорчилик билдирмоқчи эдик. Масалан, Сайгоқни асраш бўйича альянс кўмагида Заказник ҳудудида кичик кордонни жиҳозлашга эришдик, у ерда энди қўриқлаш ходимлари сифатли дам олишлари мумкин. IFAW Россия бўлимининг кўмагида кордонда

куёш батареяси ўрнатилди, ва энди бизда доимий ёруғлик ва электр энергия мавжуд. WWF Россия томонидан йиғилган маблағлар туфайли биз ёнилғига муҳтож бўлмадик. Ва яна... Бу йил бизнинг эски орзуимиз рўёбга чиқди - IFAW Россия бўлими Заказника, унинг ёрдамида чўлда рўй бераётган, кўз илғамайдиган энг яширин ходисаларни қайдлашимиз мумкин бўлган иккита фототузоқ совға қилди (<https://www.instagram.com/p/BHR67cIASBC/>).

2016 йил баҳорда ёзнинг бошида биз мамнуният билан Санкт-Петербург Университети ва РФА Экология ва эволюция муаммолари институти илмий ходимларини, Буюк британиялик (қар. <https://nat.astrobl.ru/press-release/saygaki-v-astrahanskoy-oblasti-pod-nadyozhnoy-zashchitoy> ва <http://www.ifaw.org/international/news/saiga-sanctuary-be-featured-our-planet-series>) кинооператорлар гуруҳини, WWF Россия “Российский Кавказ” Регионал бўлими мутахассисларини, Волгоградлик эколог-туристларни (<http://africa-v-tebe.livejournal.com/54027.html>) кутиб олдик. Яхши ният билан келадиған барчага биз доим хурсандмиз!

Ва охиргиси, катта бўлмаган жамоамизнинг барча аъзолари қўрққани учун эмас, виждони учун ишлайди ва хозирги замонавий тилда айтганда натижага “чархланган”! Натижа эса – Шимоли-Ғарбий Каспий олди ҳудудида юзага келган мураккаб шароитларда сайгоқларга омон қолишга ёрдам бериш, ва келажак авлодлар учун бу турни сақлаб қолиш учун қўлдан келган барчасини қилиш.



## Мақолалар (давоми)

### Манфаатдор шахсларнинг “Сайгачий” заказнигига муносабатини баҳолаш

Лондон Империял Коллежи (*Imperial College London*), [sonia.k.dhanda@gmail.com](mailto:sonia.k.dhanda@gmail.com); 2. Сайғоқни асраш бўйича альянс; 3. Оксфорд Университети

#### Кириш қисми

Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Республикасида устюрт сайғоқ популяциясини асраш мақсадида ташкил қилинган “Сайгачий” заказниги 1991 й. расмий очилган. Ҳозирги пайтда заказникнинг қайта ташкил қилиниши яқунланиб, унга “комплекс (ландшафтли) заказник мақоми берилди. Заказникнинг янги мақоми 4 МСОП тоифасига мос бўлган аввалгиси ўрнига “16 МСОП қўриқланадиган ҳудуд тоифаси” мақомига мос (шу сонда юқор. қар.). Қайта ташкил қилинган заказник, самарали бошқариладиган, таъминланадиган ва молиялаштириладиган, шу жумладан нефт-газ компанияларининг региондаги фаолияти билан атроф муҳитга етказган зарар учун тўлайдиган компенсацияси ҳисобига молиялаштириладиган, қўриқланадиган ҳудуд бўлиб қолиши керак.

Қайта ташкил қилиш яқунлангунича Лондон Империял Коллежи ва Сайғоқни асраш бўйича альянсдаги ҳамкасбларимиз томонидан, унинг вазифасига турли манфаатдор шахсларнинг “Сайгачий”

заказниги каби қўриқланадиган ҳудуд бўлишини қандай қабул қилишини баҳолаш ва уларнинг заказникка муносабатини аниқлаш кирган кўшма лойиҳа амалга оширилди. Заказник фаолиятини режалаштиришда лойиҳа иштирокчилари унинг ташкил қилинишида бирон-бир фойда олиши ёки зарар кўриши мумкин бўлган барчанинг фикрини ҳисобга олиши керак эди. Шунингдек, Ўзбекистонда турли даражадаги қўриқланадиган ҳудудларни режалаштиришда, барча манфаатдор шахсларнинг фикрини умумлаштиришга асосланган бундай ёндашувнинг фойдалилигига ҳам баҳо берилди.

Маълумот йиғиш 2015 й. 24 апрелдан 18 июнгача Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек иккита посёлкада – Қирқ-Қиз ва Қубла-Устюртда ўтказилди. Қайта ташкил қилинган “Сайгачий” заказниги манфаатдор шахсларнинг турли гуруҳларига қандай таъсир қилиши ёки қилиши мумкинлигини тушуниш учун марказий гуруҳлар билан суҳбатлар, анкета савол-жавоблари ва ярим-структуралашган интервью ўтказилди. Биз шунингдек одамлардан “Сайгачий”



«Степной» заказнигига IFAW томонидан совға қилинган ва кордонга энг яқин артезианга ўрнатилган фототузоқ билан суратга олинган сайғоқлар

заказнигининг қайта ташкил қилиниши уларга ёки бошқа одамларга қандай фойда ёки зарар келтириши мумкинлиги, шунингдек ҳар бир гуруҳ заказникка қандай ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида қизиқдик.

Барча респондентлар учта гуруҳ бўйича таснифланди:


1. “Маҳаллий аҳоли” - Қирқ-Қиз ва Қубла-Устюрт поселкаларидаги алоҳида шахслар ва аҳоли гуруҳлари.
2. “Расмий ташкилотлар” - барча ҳукумат ва халқаро ташкилотлари (Давтабиатқўм, Давбиотекширув, Овбалиқбирлашма, ПРООН).
3. “Манфаатдор томонлар” - “Сайгачий” заказнигида билвосита манфаатлари бўлган инсонлар, масалан, ўқитувчилар, биолог-олимлар ва археологлар.

Натижада биз 11 марказий гуруҳлар билан, бу жараёнда иштирокчилар турли биргаликдаги вазифаларни

бajarган суҳбатлар, шунингдек 13 ярим-структуралашган интервью ўтказдик. Шунингдек биз анкета савол-жавоблари (жами 34 анкета) йўли билан маҳаллий аҳолининг экология ва сайғоқ муҳофазаси ҳақида хабардорлик даражаси бўйича маълумот йиғдик.

### Ўрганиш натижалари

Умуман олганда, маҳаллий аҳоли Устюрт платосининг мақоми ва биохилма-хиллигининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек сайғоқ овлашга доир қонунлардан хабардор экан. Маҳаллий аҳоли, расмий ташкилотлар ва манфаатдор шахсларнинг (олимлар, ўқитувчилар ва бошқ.) кўпчилиги “Сайгачий” заказниги маҳаллий аҳолига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, чунки у ҳар қандай аҳоли яшайдиган жойдан узоқ масофада жойлашган ва бу районга фақат тасодифий чўпонлар ва браконьерлар боради деб ҳисоблайдилар. Сайғоқни ноқонуний овлаш аввал қачонлардир бўлгани каби оммавий эмас, чунки, уларнинг сони регионда



1-расм. Одамларнинг “Сайгачий” заказниги қайта ташкил қилинишига бўлган муносабатларига таъсир этувчи омиллар мажмуи. Ушбу гипотетик схема Nastran дастури ёрдамидаги ўрганишлар асосида моделлаштирилган.

Мақолалар (давоми)

Фойда	Салбий таъсир
<p><b>Маҳаллий аҳоли</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Иш ўринлари билан таъминлаш (масалан, инспекторлар сифатида)</li> <li>• Сайғоқлар популяцияси тикланишида ҳайвонга ов қилиш мумкин бўлади</li> </ul>	<p><b>Маҳаллий аҳоли</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Заказникда ишлаш (қурилиш, экотуризм, табиат муҳофазаси)</li> </ul>
<p><b>Ўзбекистон фуқаролари</b> ва хорижий фуқаролар</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Табиат меросини сақлаш</li> </ul>	<p><b>Маҳаллий маъмурият</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Заказникни ресурслар билан таъминлаш (масалан, транспорт, ёқилғи)</li> </ul>
<p><b>Маҳаллий маъмурият</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Сайғоқлар популяцияси тикланишида бу ҳайвонларга ов қилиш мумкин бўлиб, бу даромад келтиради</li> </ul>	<p><b>Нефт-газ компаниялари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Заказникни молиявий ва техник кўмак билан таъминлаш</li> </ul>
<p><b>Олимлар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ушбу ҳудудда тадқиқотлар ўтказиш учун имкониятлар</li> </ul>	
Харажатлар	Салбий таъсир
<p><b>Нефт-газ компаниялари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Заказник ҳудудида қазиш ишларини ўташиш имкони мавжуд эмаслиги</li> </ul>	<p><b>Маҳаллий аҳоли</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Шохлари ва гўшти учун сайғоқни овлаш</li> </ul>
<p><b>Маҳаллий аҳоли</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Табиат ресурсларига чегераланган кириш (масалан, мол боқиш учун яроқли бўлган ҳудудларга)</li> </ul>	<p><b>Нефт-газ компаниялари</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кейинги қазишда регион биохилма-хиллигига салбий таъсир юзага келади</li> </ul>

1-жадвал. Манфаатдор шахслар гуруҳлари билан суҳбатларда заказник турли манфаатдор шахслар гуруҳларига келтириши мумкин бўлган фойда, шу манфаатдор шахслар томонидан қилиниши мумкин бўлган харажатлар, ва ҳар хил инсонлар гуруҳлари томонидан заказникнинг муваффақиятли ишлашига кўрсатиши мумкин бўлган таъсир ҳақида кўтарилган асосий мавзулар.

фожиали тарзда қисқариши туфайли, бу ҳайвонлар жуда кам учрайдиган бўлиб қолди. Шунга қарамасдан, браконьерлик ҳақида ҳар бир сўроқланган гуруҳ сўз очди, демак бу “Сайгачий” заказнигига энг жиддий таҳдидлардан бири бўлади.

**Манфаатдор шахслар томонидан “Сайгачий” заказниги қандай қабул қилиниши**

Манфаатдор шахсларнинг кўриқланадиган ҳудуднинг жорий ҳолатини қандай қабул қилиши ва уларнинг заказник қайта ташкил қилинишига бўлган муносабати бир-бири билан боғлиқ оимлар мажмуининг турли одамлар гуруҳларига қанчалик ҳар хил

таъсир этишини кўрсатди (1-расм).

Маҳаллий аҳоли заказник ҳақида унинг жорий ҳолати ва фаолиятдан яхши хабардор эмас. Улар инспекторларга ишонч билдирмайди ва давлат сайғоқ популяциясини тиклай олишига шубҳа билдиради. Расмий ташкилотларнинг ходимлари, уларга заказник бошқарувини керакли тарзда амалга оширишга имкон берадиган, етарлича молиялаштириш, моддий ресурслар ва адекват раҳбарият билан таъминламагунча “Сайгачий” ўз функцияларини бажара олмайди деб ҳисоблайди. Расмий ташкилотларнинг ходимлари “Сайгачий”



заказниги, улар ҳозирги пайтда улар устида ишлаётган устувор масалалар рўйхатига кирмаслигини ва, ҳукумат лойиҳани маъқулламагунича заказник учун масъул асосий ташкилот бўлиб ПРООН ҳисобланишини таъкидладилар. Манфаатдор томонлар заказник қайта ташкил қилинишини ғайрат билан қабул қилиб, “Сайгачий” келажагига оптимистик муносабат билдиришмоқда.

### **Заказник билан боғлиқ фойдалар, харажатлар ва таъсирлар**

Расмий ташкилотларнинг ходимлари, манфаатдор томонлар ва маҳаллий аҳолидан улар кўриши мумкин бўлган потенциал фойда ва харажатларни санаб ўтиш, шунингдек турли одам гуруҳларининг заказникка бўлиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсирлар бўйича тахминларини билдириш сўралди. Бу мавзулар ҳар бир суҳбатда муҳокама қилинди, муҳокама натижалари эса 1-жадвалда келтирилган.

### **Биргаликда режалаштириш ёндашувини баҳолаш**

Умуман олганда, қисман айрим аҳоли яшайдиган жойларга бориш чегараланганлиги туфайли, қисман бу ўрганишлар концепцияси биз бирга ишлаган манфаатдор шахсларга таниш бўлмаганлиги учун регионда ушбу биргаликда режалаштириш усулидан фойдаланиш мушкул бўлди. Бу қийинчиликларга қарамасдан, манфаатдор шахслардан, улар билан суҳбатлашса, жиддий ёрдам кўрсатиши мумкинлигини намоиш этган айрим фойдали ахборот олишга муяссар бўлдик.

Бундай биргаликдаги фаолият Ўзбекистонда муваффақиятли синаб кўрилиб, бу каби усуллар регионнинг ҳуқуқий тузилмасини тўлдиришини ва қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Шундай



Тадқиқотчилар командаси Устюрт платосида.  
© Александр Есипов

қилиб, ушбу ёндашув режалаштириш жараёнини қўллаб-қувватлашнинг истиқболли инструменти ҳисобланади.

### **Тавсиялар**

Ўрганиш натижалари қуйидаги тавсияларни берилишига имкон берди:

“Сайгачий” заказнигини қайта ташкил қилишдан кейинги биринчи (бошланғич) босқич:

- браконьерликка қарши курашиш мақсадида сайғоқ тарқалган ҳудудларда патруллик қилишни кучайтириш.
- “Сайгачий” заказнигини бошқариш режасини тузишда мутахассислар томонидан консултатив ёрдам кўрсатиш, масалан, ҳам заказникка ижтимоий таъсири, ҳам аҳолига заказникнинг “биологик” таъсири мониторингининг индикаторларини ишлаб чиқиш орқали.
- маҳаллий аҳоли ва манфаатдор шахсларни заказникда содир бўлаётган жараёнлар ҳақида доимий хабардор қилиб туриш.
- оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий раҳбариятнинг фаол иштирокида маҳаллий ва умумдавлат миқёсда

### Мақолалар (давоми)

тадбирлар ўтказиш йўли билан заказник очилишини байрам қилиш.

“Сайгачий” заказниги қайта ташкил этилгандан кейинги иккинчи босқич:

- заказникда, унинг доирасида мактаб ўқувчилари учун экскурсиялар ва экологик дарслар ўтказиладиган таълим дастурини ишлаб чиқиш.

- табиат муҳофазаси ахлоқини шакллантириш, регион экологияси соҳасидаги билимларни ва мавжуд қонунчилик базасини чуқурлаштириш, шунингдек маҳаллий аҳоли эҳтиёжлари ва устувор масалалари ҳақида уларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида инспекторлар учун семинар ва тренинглар ўтказиш.

- Қозоғистонда сайғоқни асраш билан шуғулланадиган команда билан алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида трансчегаравий қўриқланадиган жой яратиш йўналишида ишлаш.

#### *Миннатдорчиликлар*

Тадқиқотларга Уитли табиат муҳофазаси фонди (Whitley Fund for Nature) ва Сайғоқни асраш бўйича альянс молиявий ёрдам кўрсатди. Биз Ўзбекистон Фанлар Академияси ходимларига ишларни ташкиллаштиришда кўрсатган ёрдами учун, шунингдек Ўзбекистонда ишлаган тадқиқотчилар командасига миннатдорчилик билдирамиз. Марказий гуруҳларнинг барча аъзоларига интервьюда қатнашганлиги учун алоҳида миннатдорчилик билдирамиз.

## Эълонлар

**Кўчувчи турларни Асраш бўйича Конвенция кўмагида амалга оширилган, Сайғоқни Асраш бўйича Альянс Кичик Грантлари Дастури – 2016 ғолиблари**

*Карлин Самуэль, Сайғоқни асраш бўйича альянс, [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)*

Бу йил сайғоқ ареали мамлакатларида атроф муҳит муҳофазаси бўйича маҳаллий мутахассислар ўтказган учта қизиқарли лойиҳани қўллаб-қувватлашга эришдик.

Илк ғолиб – *Степной заказниги инспекторлари командаси, Астрахан области, Россия Федерацияси.* Шимоли-Ғарбий Каспий олди сайғоқлар популяциясида тахминан 3500 зот бўлиб, йўқ бўлиб кетиш чегарасида турибди. Ҳайвонлар учун асосий таҳдид браконьерлардир. Бу популяция зотларининг кўпроқ сони йилнинг кўпроқ вақтини Степной заказниги чегараларида ўтказади.

Ҳозирги пайтда заказник штатида 10та инспектор бўлиб, улар нафақат суткалаб биронта ҳам сайғоқ браконьерлар қўлидан зарар кўрмаслигини кузатишади, балки ҳайвонлар томонидан фойдаланиладиган ҳудудда оптимал яшаш шароитларини сақлаб туриш учун жавобгар ҳам. Инспекторлар мажбуриятларининг кенг доирасига ҳудудни тасодифий ёнғиндан химоялаш, ҳайвонлар омон қолиши учун ўта зарур бўлган сув манбаларини яратиш ва тартибда сақлаб туриш, ҳудудни уй ҳайвонларини ортиқча ўтлатишдан сақлаш, фермер ва браконьерларнинг заказникка бостириб киришининг олдини олиш, шунингдек табиат муҳофазасига оид маърифий тадбирлар ўтказиш киради.



**“Степной” заказнигининг инспекторлари командаси**

Улар на, ҳарорат 40°C га чиққан жазирама ёз кунлари, на термометр –35°C кўрсатган қаҳратон қиш кечалари ўз ишларини тўхтатмайдилар!

Инспекторларнинг оғир меҳнатлари туфайли заказник фан ва сайғоқни ҳамда шу регионнинг бошқа ёввойи ҳайвонларини сақлаш маркази номини олди. Ишларининг бу муҳим элементини кучайтириш учун биз янги кордон ўрнатилишини молиялаштирамиз. У олимлар, кинематографистлар ва экологлар учун ташриф маркази бўлиб хизмат қиладиган заказник ҳудудида ўрнатилади. Инспекторларда ҳам табиатни сақлашда заказникнинг муҳим ўрни ҳақида аҳолини хабардор қилиш мақсадида билим берувчи тадбирлар ўтказиш ва аҳолини табиат муҳофазасига оид тадбирларга жалб этиш имкони пайдо бўлади.



**Бибигуль Сарсенова**

*Бибигуль Сарсенова, “Экология ва жамият” ассоциациясининг раиси, Қозоғистон Республикаси* – кичик грантлар дастурининг яна бир ғолиби. Бу грант унга, ҳозирги пайтда тахминан 70 000 зотни ташкил этадиган урал популяциясини сақлаш муаммоларига жамият муносабатини ўзгартиришга имкон беради.

ҚБСА ва болалар чўл клублари билан ҳамкорликда бу лойиҳа регионда браконьерлик сабабларини ва маҳаллий аҳолининг сайғоққа муносабатини аниқлашга имкон беради. Бибигуль турли аҳоли гуруҳлари билан, сайғоқлар дуч келадиган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган билим берувчи тадбирларни ўз ичига олган маърифий иш ўтказишни ҳам режалаштирмоқда. Маҳаллий мактаб ўқувчилари, ижодий жамоалар, табиат муҳофазаси ташкилотлари ва жамоат муассасалари билан ҳам иш олиб бориш, шунингдек, улар базасида янги чўл клубларини ташкил қилиш мақсадида янги мактабларни жалб этиш режалаштирилмоқда. Лойиҳа доирасида Ғарбий Қозоғистоннинг Таскалин районида жойлашган, сайғоқларни тутқунликда кўпайтириш дастури амалга ошириладиган, Ёввойи Табиат ва Биохилма-хилликни Сақлаш Марказига ташриф ташкиллаштирилади.



**Екатерина Очирова**



**Надежда Пюрвенова**



### Эълонлар (давоми)

Ва, ниҳоят, **Қалмоғистон, Россия Федерациясидан Екатерина Очирова ва Надежда Пюрвенова** “Сайғоқ – аждодларимизнинг тирик мероси” буклетини ишлаб чиқишга кичик грант олдилар. Сайғоқ шеърларда, қўшиқларда, халқ фольклорида кўп тилга олинади ва суратларда тасвирланади. Барча бу манбалар битта буклетда йиғилиб, регион мактаблари ва кутубхоналарида тарқатилади.

Лойиҳа командаси, маҳаллий аҳолининг маданий меросида сайғоқ қандай муҳим ўрин эгаллашини кўрсатиш учун бир қатор тарихий ҳужжатларни таҳлил қилади, шунингдек, мисол тариқасида умумий тарих билан чатишиб кетадиган қадимий

алоқаларни, символизм ва маданиятдан фойдаланган ҳолда, ушбу турни сақлаш муҳимлигини намойиш этишга уриниб кўради. Лойиҳа иштирокчилари ўқувчини сайғоқ муҳофазаси билан шуғулланадиган инсонлар дуч келадиган қийинчиликлар билан таништириб, сайғоқларни ҳимоя қилиш учун ҳаётдан айрилган маҳаллий инспектор Улдис Кнакис ҳақидаги маълум фожиавий ходисани келтиради. Бу буклет одамларга ушбу тур аҳамиятини англашга ва истаган одам уни сақлашга ўз ҳиссасини қўшиши мумкинлигини тушунишга имкон беради.

Биз барча ғолибларимизни табриклаймиз ва яқин келажакда улар янги лойиҳалар ишлаб чиқишига умид қиламиз.

### Ёввойи табиатни сақлаш бүйича тармоқ кўмагида амалга оширилган, табиат муҳофазаси соҳасидаги ёш мутахассислар учун Сайғоқни асраш бүйича альянс 2016 мукофоти

**Карлин Самуэль, Сайғоқни асраш бүйича альянс, [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)**

Сайғоқни асраш бүйича альянс ёш экологлар ишини қўллаб-қувватлаш зарурлигини тан олади. Бизнинг табиат муҳофазаси соҳасидаги ёш мутахассислар учун мукофотимиз, бериладиган грантлар лойиҳаларни жойларда амалга ошириб, сайғоқ яшайдиган мамлакатларда СА партнерларидан ёрдам олишга имкон берадиган, айнан энди иш бошлаётган экологлар (персоналий ёки гуруҳлар) учун мўлжалланган. 2016 йилда мукофот Ёввойи табиатни сақлаш бүйича тармоқ томонидан қўллаб-қувватланди, ва биз ғолибларни эълон қилишдан мамнунмиз.

**Қозоғистонлик** 12-14 ёшли тўртта бола – “Акбокен” чўл клубининг аъзолари ўз ўқитувчилари Батима Уталига бошчилигида ўз мактабидаги болалар ва маҳаллий аҳоли учун қатор тадбирлар ўтказишади. Команда, мақсади бешинчидан ўн биринчи синфгача ўқувчиларини табиат

муҳофазаси фаолиятига жалб қилиш ва экологик «занжир реакцияси»га асос солиш бўлган “сайғоқ дўстлари” доирасини ташкил қилади. “Акбокен” Сайғоқ дўстлари учун презентация тайёрлаб, кўргазмалар ташкил этиш, плакат, газета, мультфильм ва ҳ.к. яратиш орқали уларга билим даражасини оширишга ёрдам беради. Болалар экскурсия ва экологик тадбирлар ҳам ташкил этади ва янгиликларни тарқатишга янги гуруҳни жалб этади. Улар ишларида қатнашиш учун маҳаллий университетнинг биология кафедраси ходимларини ҳам таклиф қилдилар. Ва, ниҳоят, гуруҳларнинг биронтаси ҳам логотипсиз қолмайди. Болалар Сайғоқ дўстлари янги гуруҳи учун энг яхши логотип лойиҳаси умуммактаб танловини ўтказишни режалаштирмақдалар.

**Қалмоғистонда, Россия Федерацияси, дастлаб Қалмоғистон Республикаси**



Қозоғистоннинг “Акбокен” чўл клуби аъзолари – Сайғоқни асраш бўйича альянс 2016 й. мукофоти ғолиблари

Ёввойи ҳайвонлар марказида ишлаб, маҳаллий мактаб ва уюшмалар учун сайғоққа бағишланган ахборот кампанияларини ўтказган, Сайғоқ кунини ташкиллаштиришга ёрдам берган, 27 ёшли инглиз тили ўқитувчиси Айгуль Айтбаева ғолибимиз бўлди. У Сайғоқни асраш бўйича альянс кўмагида маҳаллий мактабда фаолият юритаётган “Тирик мерос” чўл клубига ёрдам беришда давом этмоқда. 2014 йилда Айгуль бизнинг ёш мутахассислар учун мукофотимизни ютиб олиб, 5-7-синф ўқувчилари учун “Ажойиб кўчманчи” номли ёрқин буклет ишлаб чиқди ва чоп этди. Бу йил у сайғоқ яшайдиган жойларда жойлашган учта посёлкада “Сайғоқни қутқариш” танловини ўтказишни режалаштирмоқда. Айгуль, болалар томонидан яратилган, қишлоқ жойларда ноқонуний реклама тарқатилиши ва сайғоқ маҳсулотининг сотилишини тўхтатишга ёрдам берадиган энг яхши варақани танлайди. Ғолиб бўлган варақалар нашр этилади ва бешта бошқа посёлкаларда тарқатилади. Айгуль маҳаллий чўл клублари билан ишлашни режалаштирмоқда. Ҳамма биргаликда улар бу посёлкаларнинг ҳар бирига боради, у ерда намойиш ва презентациялар ташкиллаштиради, ҳамда аҳолининг сайғоқни асраш ҳақидаги хабардорлигини ошириш

мақсадида “Ажойиб кўчманчи” буклетини тарқатадилар.

**Мўғулистонлик ёш олим – WWF-Мўғулистонда ишлайдиган Мунхаст Далана**стга жиддий илмий иш ўтказиш учун грант тақдим этилди. Мўғул сайғоқлари жазирама ва қўрғоқчилик шароитларга яхши мослашган бўлиб, қисқа вақт муддатлари давомида сувсиз яшаши мумкин. Бироқ, қуруқ мавсум вақтида ичишга яроқли сув манбаларининг сони жуда чегараланган, ва биз бу ҳайвонларнинг сувга бўлган эҳтиёжини охиригача тушунмаймиз. Кўп экологлар сув ресурсларининг самарали бошқарилиши бу ва бошқа областларда сайғоқни муваффақиятли сақлашнинг муҳим омили бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар. Шуни назарда тутган ҳолда, Мунхаст сайғоқнинг сувга бўлган эҳтиёжига оид жуда муҳим тадқиқотлар ўтказилади. Сўнг у ушбу регион учун муҳим сув манбаларининг жойлашган жойларини аниқлаб, харитага туширади. Бу янги иш натижалари ИИЧБ ва давлат ташкилотларига шу ҳудудларни бошқариш режасини биргаликда ишлаб чиқишга, шунингдек сайғоқ популяциясининг соғлиги ва тинчлигини ҳамда унинг яшаш муҳитини сақлаш учун бу муҳим ресурс муҳофазаси бўйича режа ишлаб чиқишга имкон беради.



Ёш мутахассислар – Айгуль Айтбаева (чапда) ва Мунхаст Даланаст (ўнгда)

## Сайғоқни асраш – ҳаётларининг иши

### Владимир Калмиков: Ишимдаги энг яхши нарса – Заказник ҳудудидаги хотиржамлик

*Бугун Таҳририятимиз саволларига Владимир Калмиков – сайғоқни асраш бўйича энг яхши командалардан бирининг раҳбари, шу Заказникда энг биринчи давлат инспектори бўлиб, унинг ташкил қилинишида бевосита иштирок этган, Астрахань области (Россия Федерацияси) “Степной” Заказнигининг директори жавоб беради. Бутун ҳаётини тўлиқ унга сарфлайдиган, иши давомида Владимир Калмиков бир неча бор Астрахань области раҳбарияти томонидан тақдирланган, “Степной” Заказнигининг бутун командаси эса Сайғоқни асраш бўйича альянс мукофоти билан тақдирланган.*

#### **Муҳб.: Сайғоққа нисбатан Сизда қачон илк қизиқиш уйғонган?**

**ВК:** Тахминан 50 йил олдин, мен ҳали ёш бола бўлганимда, Астрахань области ҳудудида, аниқроғи, мен туғилиш бахтига муяссар бўлган Промисловка қишлоғи яқинида сайғоқлар жуда кўп учрар эди. Ўша пайтда бизга – қишлоқ болаларига – жонажон ўлкамизнинг чўл кенгликларида худди учаётган, бу мутлақо ўзгача ва чопқир жониворларни кузатиш жуда қизиқ эди.

#### **Муҳб.: Сайғоқни ўрганиш ва сақлаш бўйича ишларни қачон бошлагансиз?**

**ВК:** 1988 йилда бир қатор сабабларга кўра мен ўзимнинг шу пайтгача қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган ҳаётимни кескин ўзгартиришга қарор қилдим, ва Лиман овчилар ва балиқчилар жамиятига егерь бўлиб ишга кирдим. Мажбуриятларимга овчилик ерларининг ҳудудини браконьерлардан қўриқлаш ва хўжалик ҳудудларида ов тўғри юритилишини назорат қилиш кирарди. Овчилар жамиятида 10 йил катта егерь бўлиб ишлагандан кейин, Астрахань области Лиман ва Камишов ов хўжаликларининг Овназорат хизмати овшуноси лавозимига тайинланиб, алоҳида эътиборни овладиган ҳайвон турлари сонининг, жумладан сайғоқлар сонининг ҳисобини юритишга, уларни овлаш ва бошқа-бошқа жойлаштиришга



Владимир Калмиков – “Степной”  
казакнигининг директори.

қаратдим, зарарли йиртқичлар билан курашиш бўйича тадбирлар ўтказдим, фуқаролар томонидан ов қоидалари тўғри бажарилишини кузатдим, егерлар ишини назорат қилдим, браконьерларни тутдим. Бу “бошланғич мактаб” бўлиб у ерда олинган билимларим кейинчалик нафақат ўзим сайғоқни асрашимга, балки ўз тажриба ва кўникмаларимни ҳамкасбларимга улашишга ҳам ёрдам берди. 1994 йилда, фундаментал билимлар етишмаётганлигини тушуниб, мен Волгоград қишлоқ хўжалиги академиясининг сиртқи бўлимига кирдим, ва 2000 йилда уни муваффақиятли тугатдим. Шу йилнинг ўзида ҳам сайғоқ учун, ҳам шахсан ўзим учун муҳим ходиса юз берди – 2000 йилда Астрахань областининг “Степной” Давлат табиат заказниги ташкил қилинди, ва мен у ташкил қилинган илк кунлардан давлат



инспектори – мотоциклист бўлиб ишлай бошладим. Ана ўшанда мен яқиндан сайғоқни кузатиш ва қўриқлашни бошладим. Ўшандан буён мана 16 йил ўтди, ҳозирда мен, асосий вазифаси сайғоқни ва бошқа турларни – сайғоқнинг қўшниларини қўриқлаш ҳисобланган бу мутлақо ноёб ташкилотнинг директориман.

**Муҳб.: Сизнинг оддий кунингиз нималардан иборат?**

**ВК:** Бутун ишим бир неча ойларга олдиндан режалаштирилгандек, бироқ шунга қарамасдан ҳар куним ўзгача ва бир хил кунлар деярли бўлмайди. Агар хонамда бўлиб, “қоғозли ишлар” билан шуғулланишим керак бўлмаса, мен заказникка жўнайман ва инспекторлар билан бирга ҳудудни айланаман, биз бир қатор биотехник тадбирлар ўтказамиз, ҳудудда ва заказник чегарасида яшайдиган фермерлар билан суҳбат ўтказамиз.

**Муҳб.: Сайғоқ ҳақида бизга биронта қизиқарли воқеа айтиб бера оласизми?**

**ВК:** Сайғоқ – жуда қизиқ ҳайвон. Уни чексиз кузатиш ва ҳар сафар унинг ўзини тутишида мутлақо ўзига хос ва янги нимадир топиш мумкин. Уни ўрганиш, ўрганиш ва ўрганиш мумкин. На мен, на ҳамкасбларим жавобини топа олмаётган савол – сайғоқлар қўриқланадиган жойларини ташлаб, уларни йўқотиш хавфи бўлган жойларга кўчишига нима сабаб бўлар экан. Балки улар одамларнинг инсонийлигига умид қилар? Биз уларни тушуна олмаймиз. Сайғоқлар ҳаётидаги энг қувончли ва ёқимли, бироқ шу билан бирга ҳавотирли давр – қўзилар туғилиши. Урғочи ва қўзи ўртасидаги муносабатлар ҳақида кўп воқеалар айтиб бериш мумкин, бироқ барчасини ўз кўзингиз билан кўрган яхшироқ.

**Муҳб.: Ишингиздаги асосий муаммолар қандай?**


**ВК:** Ўйлайманки бу саволга жавобим ўзига хос бўлмайди – заиф қонунчилик базаси, инспекторларнинг кичик ойлик маоши, бензин ва янги техникага доимий эҳтиёж каби муаммолар, - бутун ареал кўламида сайғоқ муҳофазаси билан шуғулланадиган барча ташкилотларга хос.

**Муҳб.: Ишингиздаги тўсиқларни қандай бартараф этиш мумкин?**

**ВК:** Бу саволга жавоб тўғридан-тўғри олдинги саволнинг жавобидан келиб чиқади - муҳофаза ходимларининг ойлик маошини кўтариш, Заказник моддий таъминотини яхшилаш, шунингдек, бу ҳам жуда муҳим бўлган, барча тузилмаларнинг, шу жумладан сайғоқни муҳофаза қилиши керак бўлган ҳуқуқий тартиб муҳофазаси органларининг ўзаро муносабатларини йўлга қўйиш зарур. Бироқ бунинг учун ҳам федерал, ҳам регионал ташкилотларнинг сиёсий иродаси керак. Бундан ташқари, “Степной” Заказнигининг инспекторларига сайғоқни асрашга, ва айниқса браконьерларни нафақат заказник ҳудудида, балки, сайғоқ кўпинча кўчувчи тур сифатида чиқадиган чегараси ортида ҳам қўлга олишга имкон берадиган ваколатлар бериш зарур.

**Муҳб.: Ишингиздаги энг яхши нарса?**

**ВК:** Ишимдаги энг яхши нарса – бу ерда осонгина ўтлаб юрган сайғоқ тўдаларини, бутадан бутага югуриб ўтаётган қуёнларни, инлари олдида кемирувчиларни пойлаётган тулкиларни, кўплаб қушларни кўриш мумкин бўлган Заказник ҳудудидаги хотиржамлик... Бироқ бундай идиллияга фақат Заказник ходимларининг уйғунлашган ҳаракатлари туфайли эришиш мумкин эди. Мана ишимдаги энг яхши нарса – бу инсонлар. Шуни айтишим керакки, 20 йилча олдин Қалмоғистон Республикаси ҳудудида, ўта



Уч паҳлавон - В.Калмиков, Н.Юденко,  
Г. Домовцов. Г.Калмикова сурати.  
© Галина Калмыкова

юқори даражадаги профессионаллардан ташкил топган, уларни қишлоқ хўжалиги федерал вазирлиги қўллаб-қувватлаган, сайғоқни асраш бўйича махсус отряд ишлаган. Қайта қуриш келиши, чуқур иқтисодий инқироз юзага келиши билан отряд қўллаб-қувватланмай қўйилди ва унда ишлаган одамлар ҳеч кимга керакмас бўлиб қолди. Табиийки, зарур муҳофаза йўқлигини билган браконьерлар ўз “қора ишларини” бошлади. Одамларчи? Афсус билан айтиш керакки, сайғоқни асраш бўйича махсус отряднинг кўп собиқ ходимлари ҳозир орамизда йўқ, айримлари бизнесга кетишди, айримлари барча бундан келиб чиқувчи оқибатлар билан ишсиз қолишди. Бироқ “Степной” Заказнигига омад кулиб боқди – узоқ вақт айнан фойда келтириши мумкин бўлган жойда уларга талаб бўлмаган, сайғоқ муҳофазаси ишида энг профессионал бўлган икки киши: : Геннадий Домовцов ва Николай Юденко сафимизга қўшилди. Мана икки йил давомида ўз ишининг усталари ўзларининг бой тажрибаларини Заказникнинг ёш ходимларига ўргатмоқда, бу эса ҳудудни қўриқлаш даражасини аҳамиятли тарзда ошириш имконини берди.

**Муҳб.: Сайғоқни асраш истиқболлари қандай? Бу турга омон қолишга кўмаклашиш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?**

**ВК:** Хусусан сайғоқни, ва умуман табиатни сақлаш ишониб топширилган ҳар бир инсон сайғоқдан сиёсий савдо-сотик, тижорат фойдаси олиш, тегишли тузилмалар ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш объекти сифатида қарамасдан, ўз иши билан шуғулланиши жуда муҳим. Яъни, ўз тарихида сонининг кўпайиши ва камайиши ҳамда ареалининг қисқариши ва кенгайишини бошдан кечирган бу ҳақиқатда ноёб ва бахтсиз турни сақлаш топширилган барчанинг бирлашуви ва ҳаракатларининг уйғунлашуви ўта муҳим. Шундагина биз бу турнинг омон қолишига ёрдам берамиз.

**Муҳб.: Сиз кам учрайдиган ҳайвон турларини ўрганиш ва сақлаш соҳасида бир неча ўн йилдан буён ишлайсиз. Шу йиллар ичида нималар ўзгарди, бу соҳада замонавий тенденциялар қандай?**

**ВК:** Мамлакатимизда кам учрайдиган ҳайвон турларини (айниқса бу йирик мушукларга оид) сақлаш ва тиклаш жиҳатдан кўп нарсалар қилинишига қарамасдан, мен алоҳида оптимизм ҳис этмаяпман ва замонавий тенденциялар, хусусан сайғоққа нисбатан, ижобий динамикага эга дея олмайман. Россия Табиат вазирлигининг аризасига кўра яқин вақт орасида сайғоқ РФ Қизил китобига киритилади, бироқ, ҳатто бундай акция сайғоқнинг омон қолишига ёрдам беришига менинг ишончим комил эмас...



Владимир Калмиков «Степной» заказниги командаси билан. © Александр Есипов

## Бизнинг йўқотишлар

### Николай Николаевич Ткачев хотирасига



Николай Николаевич ўғли – Алексей билан. © Евгений Полонский

2016 й. 15 апрелда Николай Николаевич Ткачев – Астрахан области “Степной” Заказнигининг инспектор-ҳайдовчиси тўсатдан вафот этди.

Заказникда, у ташкил қилинган илк кунданоқ, яъни 2000 йил 5 апрелдан бошлаб, ишлаган ажойиб инсон бизни тарк

этди. Кўп мартаба Николай Николаевич миллий меросимизни – сайғоқларни браконьерлардан ҳимоя қилиб, ўз соғлиги ва ҳаётини хавф остига қўйган. Николай Николаевични билган барча доимо унинг профессионаллигини (у сайғоқлар ҳаёти ҳақида ҳамма нарсани билар эди), камтарлиги, камгаплиги, ниҳоятда кўнгилчанлиги ва меҳрибонлигини таъкидлайди. Бу ҳақиқий инсон эди.

Николайнинг ишини унинг ўғли – “Степной” Заказнигига Россия армиясида хизмат қилгандан кейин ишга келган ва сўнгги тўрт йил давомида отасининг бой тажрибасини ўрганган Алексей Ткачев давом эттиради. У отасига муносиб ўринбосар бўлди.

SN таҳририяти “Степной” Заказнигининг ходимлари билан бирга қайғурмоқда, ва Николай Ткачевнинг қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

### Мария Карлштеттер хотирасига

Мария Карлштеттер, сайғоқларни сақлашга жиддий ҳисса қўшган, ўз ишига содиқ атроф муҳит муҳофазаси бўйича мутахассис шу йилнинг июл ойида Германияда автомобиль ҳалокатида фожиавий ҳалок бўлди.

Мария, маданияти ва табиатини жуда яхши кўрган Ўрта Осиёда ишлаш бой тажрибасига ва кенг кўламдаги билимларга эга бўлган ажойиб биолог ва эколог эди. Ўқишни тугатгандан кейин у тадқиқот лойиҳаларида ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича лойиҳаларда қатнашган ҳолда, турли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилган. Мария Афғонистонда WSC билан, Ўзбекистон, Қоғоғистон ва Тожикистонда FFI билан ишлаган. У 2009 й. бошлаб 5 йил давомида ишлаган FFI лойиҳаларидан бири Устюрт платосининг экологиясини

чуқурроқ тушуниш ва устюрт сайғоқ популяциясини сақлаш бўйича амалий ҳаракатлар ишлаб чиқишга қаратилган эди. Бу лойиҳа SCA билан, 2010 й. бошлаб эса – ҚБСА билан яқин ҳамкорликда ўтган. Мариянинг уринишлари туфайли, нафақат регионда, балки бутун сайёрада йўқ бўлиш хавфи остида бўлган бу турнинг ночор аҳволи ҳақида кўпчиликка маълум бўлди. Лойиҳа доирасида қўлланган телеметрия ва бошқа тадқиқот усуллари ёрдамида устюрт сайғоқ популяцияси ҳақида кўп янги ахборот олинишига эришилди, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчувчи турларини сақлаш бўйича Конвенция доирасидаги келишув ва тармоқлараро диалог эса амалий бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш ва юқори даржадаги келишувларга эришишга ёрдам берди.



Шунингдек Мариянинг ташаббусига кўра контрабанда йўли билан олиб ўтилаётган сайфоқ шохларини топиш учун Қозоғистон божхона хизмати билан қидирув итларидан фойдаланиш тўғрисида битим тузилди. Тез-тез юзага келадиган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, Мария ҳодисаларни ўзгартириш иштиёқида ҳар доим ҳалоллик ва қатъият кўрсатарди.

Мариянинг ўз она ерида яшаш, қариндошлари ва яқинларига яқинроқ бўлиш истаги уни 2013 й. Германияга қайтишга мажбур қилди. Бироқ бу унинг Ўрта Осиёга қизиқишини сўндирмади. У Ўрта Осиё сутэмизувчилари бўйича лойиҳада (Central Asian Mammals Initiative - CAMI) Бонн Конвенцияси томонлари 2014 й. ноябрда қабул қилган ишчи дастур ишлаб чиқарувчиларидан бири сифатида қатнашди, сўнг Ўрта Осиё ва Ҳиндистон экологик лойиҳалари билан шуғулланадиган немис консалтинг компаниясида ишлади.

Мария табиат қўйнида фаол вақт ўтказишни хуш кўрарди, тоғ туризми, альпинизм ва суратга олишга қизиқарди, йога ва расм чизиш билан шуғулланиб, дам олишни афзал кўрарди. Марказий Осиёлик ҳамкасблари самимийлиги, меҳрибонлиги ва бошқаларга оптимизм улаша олиш каби



Мария Карлштеттер. © FFI

ҳислатларини тилга олиб, Марияни илиқлик ва миннатдорчилик билан ёдга олдилар. Мария билан ишлаш бахтига муяссар бўлганларимиз уни жуда яхши дўст ва катта кўламдаги билимларга эга, табиат муҳофазасига астойдил берилган ва бу оламни яхшироқ қилишга тинимсиз уринган ҳақиқий профессионал сифатида доим хотирамизда сақлаймиз.

## Миннатдорчиликлар

Биз Сайғоқни асраш бўйича альянс ишини қўллаб-қувватлаш учун ўз вақти ва маблағларини аямаган ҳаммага ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Биз WCN ходимлари ва волонтерларига кўрсатган ёрдами ва мадади учун, шунингдек АҚШ ва бошқа мамлакатлар аҳолисига сайғоқни асраш жамғармасига қилган эҳсонлари учун ташаккур изҳор этамыз. Шунингдек биз нашримизнинг мазкур сонини қўллаб-қувватлаган ташкилотлар – Ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турлари бўйича конвенция (CMS), WCN ва WWF-Мўғулистонга ҳам миннатдормыз.



SAIGA CONSERVATION ALLIANCE

*Сайгоқни асраш бўйича альянс:*  
[www.saiga-conservation.com](http://www.saiga-conservation.com)

*Сайгоқ бўйича Ресурс Маркази:*  
[www.saigaresourcecentre.com](http://www.saigaresourcecentre.com)

*Saiga Merchandise:*  
[www.saigacraft.org](http://www.saigacraft.org)

*Email:* [mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)

*© Saiga Conservation Alliance 2016 /  
Registered charity England and  
Wales*

© Андрей Гилёв,  
Карина Каренина